O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ* معرفت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 9 январь, чоршанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 2 (7405)

Da'vat

Ҳайратланиш учун бир дақиқа кифоя, бирор ҳайратомуз нарса яратиш учун эса қанчадан-қанча йиллар керак.

Клод Андриан ГЕЛЬВЕЦИЙ

Ibrat

Айни пайтда Бухоро Давлат университетида эколог ихтисослиги бўйича ҳам талабалар таҳсил олмоқда. Яқинда бу талабалар учун БМТ томонидан атроф-муҳит муҳофазасига оид тасвирлар ёзилган 19 та видеокассета тақдим қилинди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 январь куни Оқсаройда АҚШ Сенатининг Давлат ишлари бўйича қўмитаси раиси Жозеф Либерман бошчилигидаги бир гуруҳ сенаторларни қабул қилди.

— АҚШнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида Сенат ўта муҳим роль ўйнайди, — деди Президент учрашувда. — Айниқса, 11 сентябрь воқеаларидан кейин мамлакатда барқарорликни сақлаш ва террорчиликка қарши халқаро кураш борасида унинг фаоллиги янада яққол намоён бўлди.

Кейинги пайтда халқаро ҳамжамиятнинг Марказий Осиё минтақасига диққат-эътибори кучайди. Бу бежиз эмас, албатта. Афғонистонда кечаётган воқеалар сабаб, минтақада юзага келган вазиятдан келиб чиққан ҳолда, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, террор хуружларининг олдини олиш, бу борада ўзаро ҳамжиҳатликни кучайтириш халқаро терроризмга қарши курашда жонбозлик кўрсатаётган АҚШ учун ҳам, минтақа давлатлари, хусусан, Ўзбекистон учун ҳам муҳим вазифалардан саналади. Ўзбекистон хориждан афғон халқига инсонпарварлик ёрдами сифатида юборилаётган юкларни манзилга етказишда фаол иштирок этаётгани, буни халқаро ҳамжамият юқори баҳолаётгани сир эмас.

Учрашувда АҚШ сенаторлари ҳам Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорликни сақлашга, террорчиликка қарши курашга қаратилган саъй-ҳаракатларига юқори баҳо бериб, бу борадаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини таъкидлади.

Оқсаройдаги мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, халқаро террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш, икки томонлама, хусусан, парламентлараро алоқаларнинг истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Америкалик меҳмонлар шу куни Ўзбекистон Олий Мажлисида парламент раиси Э.Халилов, Мудофаа вазирлигида ушбу муассаса раҳбари Қ.Ғуломов билан ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА).

МУСОБАҚАЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Республика олимпия ўринбосарлари билим юртининг манежида Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" дастури бўйича 5—7-синфларнинг енгил атлетика мусобақалари бўлиб ўтди. Қизғин ва муросасиз беллашувларда пойтахтнинг 11 та тумани ғолиблари 60, 200, 300 ва 900 метрга югуриш, узунликка ва баландликка сакраш ва 4х100 метрга эстафета мусобақаларида баҳслашдилар.

Жамоа ҳисобида энг яхши кўрсаткичга эришган Юнусобод тумани вакиллари "Умид ниҳоллари" мусобақаси учинчи босқич чемпионлари бўлишди. Ҳамза ва Акмал Икромов тумани ўқувчилари иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди. Чилонзор, Мирзо Улуғбек туманлари спортчилари тўртинчи ва бешинчи ўринларни олишди.

Эстафета беллашувларида ўғил болалар ўртасида Юнусобод тумани, қиз болалар ўртасида Чилонзор тумани спортчилари мусобақа ғолиблари бўлишди.

Турли масофага югуриш, узунликка, баландликка сакраш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

Команда ва шахсий биринчилик ғолиблари ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ
Б.РИЗОҚУЛОВ олган сурат

7-бетга қаранг

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ

Албатта, давлат ўз фуқароларини ҳимоя қилади, қўллаб-қувватлайди. Лекин ҳар бир фуқаронинг ўз давлати, юрти олдида ҳам тегишли мажбуриятлари, масъулияти бор-ку!

2-бет

ВАЗИФАЛАР СУСТ БАЖАРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳридаги фаолияти ўрганилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнига жиддий эътибор зарурлиги ҳусусида.

3-бет

ТУҒИЛГАН КУН

ЁҲУД АЗАГА АЙЛАНГАН САНА

6-бет

ПАРИЖДА ЎЗБЕКЧА ГАПЛАШМОҚДАЛАР

Яқинда Париждаги "Харматган" нашриёти кутубхонасида француз тилида сўзлашувчилар учун мўлжалланган "Ўзбекча гаплашамиз" номли китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Мазкур янги қўлланма муаллифи Самарқанд Давлат чет тиллари институтининг француз тили ўқитувчиси Саодат Дониёровадир.

"Ўзбекча гаплашамиз" қўлланмаси бир неча йиллик меҳнат самараси бўлиб, унда кўхна юртимиз тарихи, бой мероси ва анъаналари, унинг ўзига хос тили ва маданияти содда, равшан тилда баён этилган. Энг асосийси, китобдаги ўзбекча талқин ва тушунтиришлар лотин алифбосида берилган бўлиб, бу ўзбек тилини ўрганаётган француз китобхонлари учун жуда катта қулайлик яратади.

— Ушбу қўлланмани нашрга тайёрлашда институтимиз ректори Юсуф Абдуллаевнинг кўмаги катта бўлди, — деди Саодат Дониёрова "Туркистон-пресс" мухбирига. — Аслида институтимизда хорижий тилда сўзлашувчиларга ўзбек тили маданияти ва тарихини ўрганиши учун бир неча тилларда қўлланмалар тайёрланмоқда. Жумладан, институтимизнинг етакчи ўқитувчиларидан Д.Султонова, Р.Усмонова, З.Маттиева, М.Орзиқулов ва бошқаларнинг немис, инглиз ва бошқа тилларда ҳам таржима асарлари чоп этилган.

Қўлланманинг француз тилидаги матнини таҳрир этишда франциялик Эвелин Бургат хоним катта ёрдам кўрсатди, унинг Парижда чоп этилишида эса Париждаги "Евро-Медитерране" уюшмасининг раиси Режин Филип-Баяи хонимнинг, "Харматган" нашриёти масъул ходими жаноб Мишел Малербнинг кўмаги беқиёс бўлди, деб эътироф этди муаллиф. Шу жумладан, Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси ва Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасининг ҳам мазкур қўлланманинг юзага келишида хизматлари катта бўлди.

Саодат Дониёрованинг бу қўлланмаси ўзбек тилини ўрганиш ва ўзбек маданияти билан танишиш иштиёқида бўлган француз-лар учун муҳим ўқув қуроли бўлиб қолиши кутилмоқда. Шуниси эътиборлики, эндиликда Саодат Дониёрова "Харматган" нашриёти билан ҳамкорликда "Қоракалпоқча гаплашамиз" номли қўлланмани чоп этишни, "Ўзбек халқ эртаклари"ни француз тилига ўгириб нашрдан чиқаришни режалаштирмоқда.

Франция
"Туркистон-пресс"

Ma'rifat ГАЗЕТАСИНИНГ ҲАР ОЙДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАНЛОВИ

Ваъда қилганимиздек, газетанинг А-2 шаклда 8 бет бўлиб чиқадиган илк чоршанба сони қўлингизда. Сезган бўлсангиз Сизга ахборот бериш имкониятимиз кенгайди. Бу имкониятдан нафақат истеъмолчи, балки ижодкор сифатида ҳам фойдаланишингиз мумкин. Бунинг учун эса, танловимизга ҳам қатнашинг.

Таълим-тарбия борасида энг яхши мақола, хабар, фотолавҳалар учун "Ma'rifat" газетаси таҳририяти қуйидаги ойлик мукофотларини таъсис этди:

— энг яхши мақола учун энг кам иш ҳақининг уч баробари миқдорида;

— энг яхши фотолавҳа, сурат учун энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорида;

— энг яхши янгилик (хабар) учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорида.

Танлов ғолиблари газетада чоп этилган материаллар асосида таҳлил гуруҳи томонидан аниқланади. Ғолиб муаллифлар газетада эълон қилиниб, пул мукофотлари тегишли манзил алоқа бўлимларига жўнатилади. Мактубларингизда алоқа бўлими индекси ва тўлиқ манзилингизни ёзишни унутманг.

ДЎСТ БЎЛИБ ЯШАГАН МАЪҚУЛ

55 йилдирки, Кашмир ва Панжоб штатларининг бир қисми Покистон ва бир қисми Ҳиндистон таркибида бўлиб, Кашмир муаммоси ҳануз-гача ҳал қилинмай келмоқда. Бу эса икки давлат ўртасида қуролли тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани борасида.

7-бет

ҚЎНҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

ШЕЪРЛАР, ҲИКОЯЛАР, ҲАЖВИЯЛАР, КРОССВОРДЛАР

8-бет

JUMLADA JAHON

• Пекинда Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларнинг ташқи ишлар вазирлари иштирокида бўлиб ўтган навбатдан ташқари саммитда ташкилотнинг келгусидаги ривожланиши ҳамда истиқболи, терроризмга қарши ҳамкорликда курашиш агентлигини ташкил этиш борасида фикр алмашилди.

• Профессионал бокс осмонида порлаган ўзбекистонлик "юлдуз" — Артур Григорян Германияда жаҳон чемпионлиги камарини 16-марта муваффақиятли ҳимоя қилиб, мексикалик Роки Мартинсни жангнинг саккизинчи раундида техник нокаутга учратди.

• Германия канцлери Герхард Шредер ҳукуматининг ижтимоий дастури ўз вақтида ваъда қилинган натижаларни бермаётганлиги боис ўз синглиси Ильзе Брюке томонидан матбуот орқали кескин танқидга учради.

• Халқаро валюта фонди директори Х.Келлернинг таъкидлашича, Аргентина иқтисодиётида юзага келган инқироз авваллоқ ҳукуматнинг 141 миллиард долларлик ташқи қарзларини тўлай олмаслигини маълум қилганлиги сабабли мамлакат учун қимматга тушиши мумкин.

МЕҲНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ

Шаҳрисабздаги 13-мактабнинг расм-чизмачиик фани ўқитувчиси Ўрол Қурбоновнинг шогирдлари Миср давлатига борармиш, деган гапга кўпчилик қишлоқдошлари ишонишмади.

Йўлланмани қаердан, қандай қилиб олишибди? Ҳайратланарлиси шуки, у қалам тутқазган ўқувчининг бири Бангладешда, бири Ҳиндистоннинг Шанкар шаҳрида ўтказилаётган халқаро болалар рассомчилик танловига қатнашиб, ўзи чизган расмлари муносиб баҳоланди. Боз устига унинг шогирдлари вилоятда эмас, республика кўрикларида фаол қатнашиб, республика олимпиадаларида етакчи ўринларни олса, Ўролбой қувонмай ким қувонсин. Шогирдларининг бир эмас, бир нечтаси ана шу ютуққа эришган. У бунга осонликча эришгани йўқ. Ўқитишдаги бадиий маҳорати расм-чизмачиликдаги услубий ишларининг моҳир ташкилотчиси сифатида у Ўзбекистон рассомлар уюшмасининг Фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлди. Ў.Қурбонов бошқа ўқитувчилардан фарқли ўлароқ, ҳар бир дарсни, машғулотни ижодий изланувчанлик руҳида ташкил этишга интилади. Иқтидорли болалар билан алоҳида ва мунтазам ишлайди. Ўролжон тарбиялаган болалар дунё болаларининг 2000 йил Бангладешда ёш рассомларнинг кўрик-танловидан ғолиб бўлиб қайтишди.

Қашқадарё вилояти
"Туркистон-пресс"

ЭНГ ЗАРУР АЪЗО

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, инсон иш фаолиятининг 90 фоизи кўз иштирокида амалга оширилади ва кўз бир дақиқада 120 марта турли нуқталарга қадалади. Шунингдек, инсон кўзи бир кеча-кундузда 15-18 соат ишлайди.

ЖУДА ЯҚИН МАСОФАДА

Калифорния Фазо илмий-текшириш институти олимларининг гувоҳлик беришларича, "2001 УВ5" деб номланувчи астероид Ердан 600 минг километр узоқликда ҳаракат траекториясини ҳосил қилган. Космик ўлчамларда олиб қаралса, бу жуда яқин масофадир, дея таъкидлашмоқда олимлар.

Ўқитувчи ён дафтарига

ИНСОННИНГ ЎЗИГА БОҒЛИҚ

"Одам организмидаги энергия қанча тез сарфланса, организм шунча тез кексайиб боради". Бу Германиядаги инсон организмининг кексайиши муаммоларини ўрганувчи илмий-тадқиқот лабораториясининг раҳбари, профессор Роланд Принцингернинг фикри. Олимнинг ахборотига кўра, инсоннинг ёшичишию ётиш-туриши, қисқаси бутун фаолияти унинг умри узун бўлишига албатта, таъсир этади.

ҚОР ҚАДРИ

Данияликлар чанғи спортини жуда севишади, бу ўлкада аксига олиб қор жуда кам ёғади. Шу боис бу ерга қор Норвегиядан вагонларда олиб келинади. Бу ерда қорнинг қадри шунчалик баландки, иложи борича эритмасдан, узоқроқ сақлашга ҳаракат қилинади.

Иш соатлари тугаб, оч-наҳор, силласи қуриб, оёқда тура олмай қолган ишчилар қўлтиқларидан арқон ўтказиб, ўзларини шифтга тортиб боғлаб, қаддини ростлаб, ишни давом эттирганлар.

Бугун — кечагидек, эртага — бугунгидек ишлайверилса, турмуш бир жойда, бир даражада тураверади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА МИЛЛИЙ ҒОЯ

ЎЗ ДАСТУРХОНИМИЗНИ ЎЗ АҚЛИМИЗ, ҚЎЛЛАРИМИЗ ТЎЛДИРАДИ

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласининг 40-41-бетларида зарарли оқимларнинг мамлакатимизга кириб келишининг сабабларидан бири сифатида «... Ижтимоий фанларнинг ҳаёт талабларидан орқада қолгани, жамият руҳияти ва тафаккурида рўй бераётган мураккаб жараёнлар ўз вақтида илмий ечимини топмагани» ҳам алоҳида таъкидланиб ўтилган. Бу эса жамият ҳаётининг барча жабҳаларини илмий ўргана боришни, такомиллаштириш чораларини муттасил кўра боришни тақозо қилади.

Одамлар билан суҳбат жараёнида бир нарсани кузатиш мумкин. Бугунги ҳаёт, ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашсангиз, баъзи кишилар ҳали ҳам «давлат» тушунчасини эскича талқин қиладилар. Яъни, «давлат борми, бизга қараши, боқиши керак», деган боқимандалик кайфиятида юрадилар. Албатта, давлат ўз фуқароларини ҳимоя қилади, қўллаб-қувватлайди. Лекин ҳар бир фуқаронинг ўз давлати, юрти олдида ҳам тегишли мажбуриятлари, масъулияти бор-ку!

Шу ўринда эски замондаги бир мулоқот ёдга келади:

Совет ишчиси билан япон ишчиси учрашиб қолишибди. Совет ишчиси ҳамкасбидан сўрабди:

— Сен бир кунда неча соат ишлайсан?

— 6 соат.

— Ким учун ишлайсан?

— 2 соат — ўзим учун, 2 соат — хўжайиним учун, 2 соат — Япония учун.

— Сиз-чи, деб сўрабди у совет ҳамкасбидан.

— 8 соат ишладим деб ёзаману, аслида 2 соат ўзим учунгина ишлайман халос. Менинг хўжайиним йўқ. Нега энди мен Япония учун 2 соат ишлашим керак? — деб жавоб берибди.

Қиссадан ҳисса: бу диалог собиқ шўро ишлаб чиқариш тизимидаги ишчининг мафкураси билан ўз қалби ва онгида миллий манфаатни жо этган япон ишчисининг ўз меҳнатига муносабатини яққол намоён қилади. Биринчиси — «давлат боқади, ишга келиб, 8 соат бўлиб, кетсам бўлди», деган қараш. Иккинчиси — шахс, миллат ва давлат манфаатлари уйғунлигининг амалдаги, бир япон ишчисидаги кўриниши. Бу мисол ишчи, мулкдор ва давлат манфаатларини уйғун қилиб, жамиятни умуммиллий фаровонлик шиори остида уюштира, сафарбар қила олган миллий мафкуранинг қилган «иши»ни кўриб турибмиз.

Бу масала «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласида ўзининг муносиб ўрнини топган. Бироқ вилояту туман, шаҳару-қишлоқларимизда тарғиботташвиқот ишлари билан юриб, ватандошларимиз билан суҳбатлашганимизда баъзан **миллий истиқлол мафкурасининг вазифаси** — «ҳар қандай ёвуз ғояга қарши жавоб бериш» деган маънода тушунишга ҳам дуч келдик. Тўғри, лекин бу миллий мафкурамиз вазифаларидан бири, холос.

Миллий мафкурамизнинг ижтимоий-иқтисодий асосларининг яратилиши ва ишга туширилиши иқтисодий муаммоларнинг тез ва соз ечилишига хизмат қилади. Чунки, миллий истиқлол мафкураси ҳар бир инсонни, у қайси шаклдаги мулкчилик асосида меҳнат фаолияти билан шуғулланмасин, шахсий манфаатларини миллий манфаатлар билан уйғунлаштиришга; мулкдорларимизни халқ орасида фақат бойлиги билан эмас, юксак маънавий фазилатлари билан ҳам ажралиб туришга ундайди, шахсий ва оммавий фаровонликка эришиш имконияти ҳар кишининг ўз қўлида эканлигини уқтиради. «Ҳар бир фуқаро фаровонлиги — бутун жамиятнинг фаровонлигидир» ғоясини олға суради.

Халқимиз орасида — «Ишлар қалай», дейилганида «бола-чақа, рўзғор, тирикчилик, деб юрибмиз-да», -деган фикр қулоққа чалиниб туради. Ўйлаб қаралса, **«Тирикчилик учун»** қилинадиган меҳнат билан «Ўзим ва Ватанимнинг равнақи учун» деб меҳнат қилишнинг фарқи жуда катталиги маълум бўлиб қолади.

«Тирикчилик учун» қилинадиган меҳнатнинг мақсади жуда ғариб — қоринни тўйдириш, бола боқиш, уй қуриш, кўпайиб, тўй қилиб, ўзининг, бола-чақасининг ғами билан ...ўтиб кетиш.

Бу ният икки марта ғариб, чунки «тирикчилик» йўлида баъзида шахс манфаати миллат, давлат манфаатларига тўқнаш келиб қолади. «Нима қилсам экан-а?», — деган савол пайдо бўлади. Жавобда инсоннинг инсофи, диёнати, миллий орияти ғолиб келса, ҳаммага, демак, шахсга ҳам яхши бўлади. Нафс ғолиб келса-чи? У туппа-тузук ватандошимизни мансабни суистеъмол қилишга, ўғирликка, тарози тошини тешиб қўйишга, ҳосилдор ерларни (нималарнингдир эвазига) деҳқончиликни билмайдиган кишиларга беришга, АЁҚШда бензинимиздан бироз «тежаб қолишга», дарсни «шовқин солмай жимгина ўтиринглар, ҳозир келаман» деб ўтказишга, ерни саёзроқ шудгор қилишга, маърузани сарғайган қоғозларга қараб ўқишга ўргатиб, муттаҳамликка тортади.

Бу миллий бирдамлигимизга зид.

Ана шундай залолатнинг олдини олиш мақсадида мафкуравий мониторинг ўтказиб борамиз. Унда фуқароларимизни бир-бирларига бирлаштирувчи ва аксинча — узоқлаштирувчи сабаблар тўғрисида суҳбатлар қурамиз. Мана, мониторинг қатнашчиларидан бири, педагогика фанлари номзоди, Республика маънавият ва маърифат маркази ходими А. Акмаловнинг фуқароларимиздан бири билан ўтказган суҳбатининг қисқача мазмуни:

— «Акмал Икромов туманидаги «Фарҳод» бозорига кираверишда «деҳқон форма» бўлиб олган «тадбиркор»лар бор. Улар ўлжасига тикилган бургутдай, бозорга келаётган деҳқон, боғбонни пойлашади. Бир-бирларини сўкиб, ҳақоратлаб деҳқону боғбоннинг йўлини тўсиб, картошка, пиёзини ўпоқ-сўпоқ деб, нархини пастга уриб, дўқ пўписа билан бозорга киритмай, арзон-гаровга сотиб оладилар. Бозорга кира олган деҳқон ёки боғбон эса пештахталарда уларга ўрин йўқлиги сабабли маҳсулотини ерда ёки йўлакларда сотишга мажбур бўлади. Гарчи, бу мавзуда газета ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишига қарамай деярли ўзгариш бўлмаяпти-да.

«Деҳқон форма» сотувчиларнинг харидорларга муомалалари ҳам антиқа:

« — Агар мен айтган нархда олсангиз, тарозини тўғри қилиб тортиб бераман»;

«Намунча пасткашсиз, намунча тортишасиз-а?!»

Бу мисоллар анча яхши муомалалардан. Сотувчилардан айримлари шундай муомалада бўладилар-ки, уларни қайта айтиб ҳам, ёзиб ҳам бўлмайди.

Шахс ва миллат бирдамлиги бундай бўлмайди. Ишчини ҳеч ким назорат қилмаса ҳам у ҳалол, энг яхши сифат билан, энг қисқа муддатда, керакли маҳсулотни чиройли, рисоладагидек қилиб, фахрланиб топширади. Савдогарнинг тоши тўғри бўлади. Англанган миллий манфаат ишчи билан иш берувчи мулкдорни, сотувчи ва харидорларни қадрдонларга айлантиради. Уларни бирликда бахтиёр қилишнинг мафкуравий кафолати бўлади.

Ҳа. Шу нуқтада янгича фикрлаш эскича фикрлашга қарши кўзғалади. Миллий манфаат йўлида, янгича ишланса, бозор иқтисодиётида «ишчи ва иш берувчи», «капиталист ва ишчи» дўст, ҳамкор, ҳамдард бўлиши мумкин. 2001 йил 11 сентябрь. Дунёни ларзага солган фожиа минглаб америкаликларни майит, майиб, мажруҳ, етим қилди. Шу куниёқ америкалик бойлар миллионлаб доллар маблағларини жабрдийда ватандошларига (хайрия фондлар орқали) бегараз бериш учун навбатларда туришди. Чунки бу руҳ билан уларни миллий мафкура озиқлантирган эди.

Milliy istiqlol g'oyasi

Қолаверса, АҚШда ҳар йили сентябрь ойининг биринчи душанбаси — Меҳнат куни, 11 ноябрь — Фахрийлар куни, ноябрнинг тўртинчи пайшанбаси — Шукрона куни деб нишонланишини ҳам меҳнат орқали миллатга хизмат қилишни рағбатлантирувчи мафкуравий омиллар, дейиш мумкин. Шу сабабли «миллий истиқлол мафкурамиз умуминсоний қадриятларни эътироф этади ва улардан озиқланади, ўзга халқларнинг илғор тажрибаларини ўрганади», — дея белгиланганлигида ҳикмат кўп.

Шу ўринда менежмент, паблик рилейшнз, яъни, ишлаб-чиқариш самарадорлигини ошириш бўйича йирик мутахассис С. Паркинсоннинг «Сиз пул тўлаб одамдан ишчининг вақтини, бирор жойда фалон вақт туришни, фалон вақт ичида фалон мускул ҳаракатларини бажаришини сотиб олишингиз мумкин. Бироқ ундан фидокорлик, қалби ва онгидаги садоқатни сотиб олиб бўлмайди... Ваҳоланки айнан шу нарсалар одамларни белгиланган манзил сари бирлашиб юришга мажбур қилади», деган фикри бежиз эмаслигини ҳис қиламиз.

Мутараққий давлатлардан иборат «саккизлик»нинг тараққиёт тарихи иқтисодиётни юксалтиришда мафкурадан қандай фойдаланишнинг ажойиб намуналарини тўплади. «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласидан муносиб жой олган «КОКУТАЙ» — япон мафкурасининг бажарган «иши» буни тасдиқлайди. «Кокутай» ўзининг «Фуқаролик бурчи», «Япон руҳи», «японларнинг моҳияти ҳақида назария», «Миллий тафаккур», «Ижодкорлик», «умуммиллийлик», «фидойилик», «ватанпарварлик», «патернализм», «ишлаб чиқариш орқали Японияга хизмат қилиш», «жамоага садоқат», «замонавийлашув» каби асосий ғояларини ишлаб чиқарувчилар онги ва қалбига сингдира олганлиги туфайли 1975 йилда бошланган валюта-молия инқирозини тўхтатди.

Қайта юксалтирди.

У инсон омили билан ишлади.

«Кокутай» ғоялари билан қуролланган япон фермерлари, ишчилари Ватаннинг ойдин келажагига ишондилар. Анча давом этган очлик, яланғочликдан тушкунликка тушмадилар. Иш соатлари тугаб, оч-наҳор, силласи қуриб, оёқда тура олмай қолган ишчилар қўлтиқларидан арқон ўтказиб, ўзларини шифтга тортиб боғлаб, қаддини ростлаб, ишни давом эттирганлар. Чунки бутун япон халқини бир оҳанрабо — фаровон Ватанни яратиш ғояси ўзига тортиб турди. Бу оҳанрабони япон миллий мафкураси — «Кокутай» яратди.

Япон мафкурачиларидан бири Кэнтаро Хаяси ватанпарварлик ҳодисасини талқин қилишни «Пролетариат ва буржуазия манфаатлари бир-бирига зид» деган марксистик ёндашувнинг ноилмий эканлигини фош қилишдан бошлади. У «кишининг имкониятидан қатъи назар давлат ва жамиятни мустаҳкамлашга қаратилган ҳар бир онгли ҳаракат ватанпарварлик моҳиятига эга», — деган миллатни бирлаштирувчи ғояни кўтариб чиқди.

Қейинчалик **«япон ишчиларининг ишбилармонларга, тадбиркорларга салбий муносабатда бўлиши — япон ватанпарварлигига зид. Чунки бу Япониянинг миллий тикланишига халақит беради», деган тамойил миллий давлатчилик, умуммиллий бирлик манфаатини олий даражага кўтарди.**

Албатта, фақат шиор, ғоя билан япон миллий мафкурасининг мутлақ ғалабасини таъминлаб бўлмас эди. Шу сабабли тадбиркор ва ишчиларнинг «Биз миллатмиз» деган бирлигига эришиш йўллари кидирилди. Ечим топилди. Ташқаридан эмас, ичкаридан — япон турмуш тарзи, психологиясидан, миллий анъаналаридан: япон давлати ва жамиятига қадимдан хос бўлиб келган патернализм, оиладаги илиқлик, самимият, ғамхўрлик ва масъулият ишлаб-чиқариш муносабатларига кўчирилди.

Қийинчиликлар тез ўтиб кетди.

Улар ўша афтодаҳол, камбағал Оналари — Японияни таниб бўлмас даражада гўзал, обод, фаровон қилишди. Бутун дунёни «Япон мўъжизаси» ҳақида сўзлатиб қўйдилар.

Қандай қийналган бўлсалар, шундай бахт-саодатга эришдилар. Миллат учун қийин ўша дамларда фидокорона меҳнат қилган кишилар ҳозир 80-90 ва ундан ошган. Эъзозда, бахтиёр. Бошқача қилиб айтганда, японлар ўзбекларнинг «Бирлашган — ўзар, бирлашмаган тўзар» мақолига, «Сендан ҳаракат — мендан баракат» деган ҳикматига амал қилиб, дунёнинг энг бой миллатларидан бирига айландилар. Миллий ғоя энди бизларни ота-боболаримизнинг ҳикматларига амал қилишга чорлаяпти. Бирлашган японларни ўз ақли ва ўз қўллари қутқариб, юксалтирди. Биз ўзбеклар бунга азалдан эришиб келганмиз ва бугун ҳам бунга қодирмиз.

Демак, шундай бўлади.

Японларнинг ўзлари бошқа давлат, миллат вакиллари билан суҳбатлашганда Кокутай тўғрисида ҳам, умуман ўз ютуқлари ҳақида ҳам очиқ гапиришни негадир ёқтирмайдилар. Бу Токиодаги Хито Цубаши университети профессори Такаяманинг 1994 йил 15 декабрда Ўзбекистоннинг бир гуруҳ иқтисодчилари билан қилган суҳбатида ҳам билинди. Такаяма суҳбат мавзуини ҳам камтарона қилиб **«Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш ҳақида умумий тушунчалар»,** деб атаб, маърузасини 6 қисмга бўлди. Олимнинг фикрлари иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг олтита (1— мотор — кишилар ишончи, ғоявий бирлиги; 2— бозор иқтисодиёти функциялари; 3 — пул-молия айланмалари; 4 — иқтисодиётда учрайдиган камчиликлар ечимлари; 5 — бозор иқтисодиётига ўтишда учрайдиган типик муаммолар ва 6 — бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ҳукумат чора-тадбирлари) омилидан энг муҳими сифатида инсон омилини ғоявий, мафкуравий тайёрлашни белгилади. Биринчи, энг муҳим қисмини **«Иқтисодий тараққиётнинг мотори нима?»,** — деган савол билан бошлади.

— «Менимча»,- деди у. — «Иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи куч, мотор, бу — одамларнинг ўз ҳаётини бахтли, фаровон, бой қилишга йўналтирилган нияти, ғояси деб ҳисоблайман. Одамлар ҳар куни, бу йил ҳам, келаси йил ҳам, шунга интилиши керак.

Албатта «керак», деб қўйиш осон. Ҳаётда буни ишга тушириш, ташкил қилиш қийин. Чунки, кимдир ўз ишини кўзбўямачилик, кимдир ўғирлик, яна кимдир бошқа меъёрлар асосига қуришни истаб қолади.

Менимча энг муҳими — ҳар бир киши, бутун миллат эртага ўз ҳаётини яхшилашга киришишга қатъий қарор қилиши керак. Бугун — кечагидек, эртага — бугунгидек ишлайверилса, турмуш бир жойда, бир даражада тураверади.

Табиий, капитал ресурслар ҳам ўз-ўзидан кўпаймайди... Миллатнинг энг муҳим белгиси ҳар бир аъзосининг зўр бериб меҳнат қилишга тайёрлигидадир. Жамиятда ҳозирги ҳолатидан яхшироқ даражага эришишга мотивация, ишонч ҳосил қилиш керак. Кундалик турмушни шундай ташкил қилиш керакки, ана шу ишонч ишчини ҳар куни нормадан ортиқроқ иш бажаришга рағбатлантириб турсин».

Ишлаб чиқариш, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси шарафи учун ҳар бир ўзбек ишчиси, фермери, тадбиркори, олими, ҳокими, шифокору пахтакорида Буюк келажакка мустаҳкам эътиқодни шакллантиришни янги босқичга кўтаришни тақозо қилади.

Бунинг учун ўзбек ишчиси, пахтакори, фермери, чорвадори, ўқитувчиси, шифокори, дўкондори, шофёри, спортчиси, қурувчиси, бозорчию ҳунарманди, мулкдори, бошлиғу ходимлари, банкиру саноатчиларининг дил, тил ва ишдаги бирлигини янада мустаҳкамлаш керак бўлади.

Ишлаб-чиқариш — серқирра тушунча. Ишлаб-чиқариш — халқни, давлатни янги, яхши маҳсулот билан таъминлаш демак. Бунга барча соҳа — чой қадоқлаш, кийим тикиш, пахта етиштириш, автомобил, самолёт ишлаб чиқариш, ош, сомса пиширив сотиш, моддий ва маънавий маҳсулотларни яратиш, тарқатиш, истеъмол қилиш ва ҳ.к.лар ҳам киради. Ана шундай жабҳалардан бири — **педагогик ишлаб-чиқаришдир.**

Ҳар бир корхона, муассасанинг бир гуруҳ иқтисодчилари ҳар бир ходими миллий бурчларини аниқ билиши керак. Агар у шу бурчини билмаса, ўз вазифаларини аниқ, пухта бажара олмайди. Тушун(тир)илмаган талаб мавҳум бўлиб қолаверади, ёки чала бажарилади. Бунга ҳар бир ўзбекистонлик ҳар дақиқада билиши ва қилиши лозим бўлган, англанган миллий-маънавий бурчнинг адо этишдан фахрланувчи ўзбекистонликларни янада кўпайтириш керак.

Мактаб, лицей, коллеж, институт, университетлар — педагогик ишлаб-чиқариш корхоналаридир. Чунки ёзиш-ўқишни билмайдиган гўдакларимизга «педагогик ишлов бериб» бийрон, билимдон ёшларга, тайёр мутахассисларга айлантириб давлат стандартларига, талабларига мослаб, текшириб ҳаётга йўллайди.

«Мактаб, институт маҳсулоти»нинг миллат учун фойдаси ҳам, зарари ҳам беқиёс бўлади. Тасаввур қилинг, косиб ёмон туфли чиқарса, у 1-2 йил бир кишига маънавий-моддий зарар келтиради. Педагогик ишлаб-чиқаришда «брак»ка йўл қўйилса-чи? Мактаб, лицей, коллеж, институт, университетдан билимсиз, малакасиз, ёки аксинча, билимли, бироқ, ўз жиғилдони йўлида миллат, давлат, ватандошлари манфаатлари устидан бемалол юриб ўтувчи навқирон йигитлар диплом билан чиқиб, жамият орасига сингиб кетса, нима бўлади? Демак, Браклар ичида энг ёмони — Педагогик брак-дир, десак хато бўлмайди.

Биз ўзбекистонликлар миллат тарихи ва тақдирини бир хил тушуниб, нафақат ёт, бузғунчи ғояларга қарши, балки «ишлаб чиқариш орқали Ўзбекистонга хизмат қилиш»-да ҳам бирлашувимиз керак. Хонандаларимиз, бастакорларимиз, шоирларимиз Ватанга муҳаббатини ўз меҳнат маҳсулотлари — куй, қўшиқ, ғазалларида намойиш қилаяптилар. Ишлаб чиқариш билан банд Ватандошларимизнинг миллий бурчлари — сифатли, рақобатбардош, чидамли, чиройли маҳсулотларни ишлаб чиқаришда бу йил бултургидан яхшироқ натижаларга эришишдир. Токи «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» тамғаси энг обрўли тамғага айлансин.

Ҳар бир ёшу қари, ўзбекистонлик билган, қабул қилган ғоя уларни бирлаштиради. Миллий истиқлол ғояси моҳиятини билмайдиганлар билан биладиганлар бир-бирининг гапига тушунмайдиган қариндошларга ўхшайди. Ғояси бир одамлар, бирлаша олади.

Бизнинг ғоямиз бор.

Бизнинг ғоямиз бир!

Бу — Миллий истиқлол ғояси!

Бу ғоя тинч, хотиржам ҳаётни, бунёдкорликни кўзлаган, Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ижтимоий ҳамкорлик йўлида фидоий бўлган, миллати, ирқи, динидан қатъи назар барча фуқароларимизнинг манфаати учун хизмат қилади.

Муҳаммад ҚУРОНОВ,
педагогика фанлари доктори

Сиз Конституцияни биласизми?

Халқ таълими вазирлиги,
Давлат тест маркази,
"Маърифат" газетаси таҳририяти танлови

51. Ўзбекистон Республикаси орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлаш кимнинг ваколати ҳисобланади?
A) Олий Мажлис Раисининг
B) Президентнинг
C) Бош Вазирнинг
D) Олий Мажлис Кенгашининг
E) Олий Мажлиснинг

52. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра, қайси пайтдан бошлаб малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади?
A) тергов ишини юритишда
B) шахсни жиноий жавобгарликка тортгандан кейин
C) айб эълон қилингандан кейин
D) фақат суд жараёнида
E) тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида

53. Қуйидагилардан қайси бири Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мос келмайди?
A) Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳуқуқи кафолатланади
B) Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга
C) Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини Вазирлар Маҳкамаси бошқаради
D) Қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни ҳимоя қилишда жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органларга, ёрдам кўрсатишлари мумкин
E) Халқ депутатлари кенгашлари ва ҳокимларнинг ваколат муддатлари — 5 йил

54. Қуйидагилардан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидасига мос келмайдиганини аниқланг.
A) Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади
B) Жамоат бирлашмаларини тарқатиб юбориш, улар фаолиятини таъқиқлаб ва чеклаб қўйиш фақат прокурор қарори асосидагина амалга оширилади
C) Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади
D) Олий Мажлис депутати дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланади

55. Қуйидаги жавобларнинг қайси бирида Олий Мажлис ваколати берилган?
A) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси ўринбосарларини сайлаш
B) Олий Мажлис депутатлари ва девонининг ишлаши учун зарур ҳаражатлар сметасини тасдиқлаш
C) Олий Мажлиснинг матбуот органлари фаолиятига раҳбарликни амалга ошириш
D) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига оид масалаларни ҳал этиш
E) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлаш

56. Конституциядаги халқ ҳокимиятчилигига доир қоидалар қайси қаторда берилган?
A) Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади
B) Касаба ташкилотларига аъзо бўлиш ихтиёрийдир
C) Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади
D) A,B
E) A,B,C

57. Конституцияда мустаҳкамланганидек, Ўзбекистон бу — ...
A) суверен демократик республика
B) мустақил демократик республика
C) суверен халқ-демократик республикаси
D) мустақил халқ-демократик республикаси
E) суверен, мустақил демократик республика

58. Қуйидагилардан Ўзбекистонда халқ ҳокимиятчилигининг асосий хусусиятларини аниқланг.
A) Жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади
B) Ўзбекистон халқи номидан у сайлаган Олий Мажлис ва Президент иш олиб боради
C) Ижтимоий ҳаёт мафкуралар хилма-хиллиги асосида ривожланади
D) Ўзбекистонда ягона фуқаролик ўрнатилган
E) A,B,C

59. Ўзбекистон Республикасида демократия таянадиган умуминсоний принципларга мувофиқ, олий қадрият бўлиб ...
A) инсон ҳисобланади
B) инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳисобланади
C) инсоннинг дахлсиз ҳуқуқлари ҳисобланади
D) A,B,C
E) A,B

60. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ваколатларини аниқланг.
A) Олий Мажлис қарорларини имзолаш
B) парламентлараро алоқаларни амалга ошириш ишларига раҳбарлик қилиш
C) давлат мукофотларини таъсис этиш
D) Президент фармонларини тасдиқлаш
E) A,B

Ma'rifat МАСЛАҲАТХОНАСИ

1. Жиззах вилояти, Фориш тумани Жонибек Қувноқ номидаги 13-мактаб ўқитувчиси Ҳ.ШАРИПОВдан

САВОЛ: Умумий ўрта мактабга II гуруҳ ногирони, меҳнатга лаёқатсиз деб топилган шахсни ўқитувчиликка олиш мумкинми?

ЖАВОБ: Меҳнатга лаёқатсиз деб топилган II гуруҳ ногиронини иш берувчи бутун масъулиятни ўз бўйинига олиб, ўқитувчиликка қабул қилиши мумкин.

САВОЛ: Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган ёки доимий яшаш жойи қайд этилмаган шахсларни ишга олиб бўладими?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасида фуқаролиги бўлмаган шахсни тасдиқловчи давлат ҳужжати билан ишга қабул қилиш мумкин.

2. Навоий вилояти, Хатирчи тумани 15-мактаб А.ХУДОЙҚУЛОВдан

САВОЛ: Психологларга синфлар сонига қараб ставка тайинланган, шу тўғримй?

ЖАВОБ: "Маърифат" газетасининг 2001 йил 21 ноябрдаги № 92(7391) сонида бу ҳақда жавоб берилган.

Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани 3-лицей-интернат ўқитувчиси Ш.БОЙМУРОДОВдан

САВОЛ: Информатика фани ўқитувчиларига компьютерда ишлагани учун 12 фоиз қўшимча иш ҳақи тўланади, деб эшитдим. Бу устама иш ҳақи қачондан бошлаб ва қайси қарорга асосан тўланмоқда? Шу ҳақда маълумот беришингизни сўрайман.

ЖАВОБ: Ўзбекистон Олий Мажлиси томонидан 1995 йил 21 декабрдаги 162-1 сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бу масала юзасидан республика Меҳнат вазирлигининг 1996 йил 17 июндаги 770/04-2 сонли тушунтириш хатида 1996 йилнинг 1 апрелидан информатика ва ҳисоблаш техникаси фани ўқитувчиларига, лаборантларга компьютерда ишлаганлари, дарс жараёнида кимё воситалари билан боғлиқ ишлар учун қўшимча иш ҳақи берилиши бекор қилинганлиги ҳақида маълумот берилган.

3. Бухоро вилояти, Пешку тумани 10-ўрта мактаб ўқитувчиси Б.НУРУЛЛАЕВдан

САВОЛ: Мен 1208 нафар ўқувчиси бор мактабда 2 ставка психолог ишини олиб боришим мумкинми?

ЖАВОБ: Умумий таълим мактабларида иш олиб бораётган психологларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 1 июлдаги № 358 қарори асосида 7 дан 16 та синфлар сони учун 0,5 ҳамда 17 дан 30 гача ва ундан ортиқ синфлар сони учун 1 ставка миқдорида ҳақ белгиланган.

Й.АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси бош мутахассиси

XXI АСРДА ФИЗИК ТАЪЛИМ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Aks-sado

«Маърифат» 2001 йил 27 октябрь

Хоразм ВПҚТМОИ табиий фанлар кафедраси физика бўлими ташаббуси билан Урганч Давлат университети физика кафедраси мудири, физика-математика фанлари номзоди Отабек Отамуродов, кафедра доцентлари Озод Кашетов, Комилжон Абдураимов, кафедра ўқитувчиси Умида Асадовалар ва ВПҚТМОИда малака ошираётган физиклар гуруҳидаги 26 нафар тингловчилар биргаликда "Маърифат" газетасининг (2001 йил 27 октябрь) 85-сонидаги "XXI асрда физик таълим қандай бўлиши керак?" мавзуидаги (муаллиф педагогика фанлари халқаро академиясининг мухбир аъзоси Облоқул Қувондиков) мақолани ўқиб, ўргандилар.

Мақола муаллифи жаҳон миқёсидаги физик тадқиқотлар, физик билимлар ҳолатини тўғри таҳлил қилгани ҳолда республикамизда физика фанини ўқитишга эътибор сусайиб кетганлигини рўйи-рост айтган. Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда физика фанини ўқитишга, ўрганишга эътибор, талаб кескин даражада сусайиб кетди. Мактабни битирувчилардан, физика предмети бўйича битирув имтиҳонининг йўқлиги, умумий ўрта мактабларда физикадан лаборатория ва амалий иш-жиҳозларнинг етарли эмаслиги, ўқув дарсликларининг сифатсиз чиқарилганлиги ва етарли эмаслиги, она тилимизда физикага оид оммабоп қизиқарли китоблар жуда камлиги, ўқитувчи ва ўқувчилар учун илмий-услубий журналнинг бўлмаганлиги, ўқув жараёнига янги педагогик ва янги ахборот технологияларни қўллашнинг камлиги натижасида олий ўқув юртларига ўтказилган тест натижалари бўйича ҳам, олимпиадалар натижалари бўйича ҳам кўрсаткичлар йилдан-йилга пасайиб кетаётганлиги айни ҳақиқатдир.

Физика таълимига талаба ва ўқувчилар қизиқишининг сусайиб кетганлигига физикадан кўпгина олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларининг, мактабларда физикадан битириш имтиҳонларининг бўлмаслиги сабаб бўлмоқда.

Баъзи мактабларда физика мутахассислари камлиги натижасида дарсларни математиклар ёки бошқа, мутахассис бўлмаган ўқитувчилар ўқитиб келмоқда.

Ўтказилаётган малака ошириш курслари савияси етарли база бўлмаганлиги ва тингловчилар вилоят марказларига келиб ўқишлари учун иқтисодий қийинчиликка дуч келган ҳолда мажбурий келишлари, университетлар ва мактаблар базасидаги ўқув жиҳозлари бирлаштирилганда ҳам физик жараёнларни намойиш қилиш ва амалий ишларни бажариш имкони бўлмаганлиги сабабли талаблар даражасидан паст.

Йиғилиш қатнашчилари мақола муаллифи фикрига қўшилиб, физика фанидан барча тиббий, фармокология, қишлоқ хўжалиги, ички ишлар, мудофаа вазирликлари тасарруфидаги олий ўқув юртларига кириш ва битирув имтиҳонлари ўтказилишини маъқуллайдилар.

Муаллифнинг XXI асрда физик таълим концепциясини ишлаб чиқиш борасидаги илгари сурган фикрлари ҳам шу кун талабини тақозо этади. Яна шуни алоҳида таъкидлаймизки, ДТС талаблари бўйича тузилган дастурни амалда бажариш учун белгиланган соатлар етарли эмас, ҳеч бўлмаганда IX синф учун белгиланган дастурнинг ўта оғирлигини ҳисобга олган ҳолда унга белгиланган дарс соатларини камида ҳафтасига 3 соатгача ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Мактаблардаги физика ўқув хоналари ишини яхшилаш, уни физикага оид ўқув жиҳозлари, амалий иш лаборатория жиҳозлари билан тез орада тўла таъминланишига эришилади, ўқитувчилар эса ўз билимларини тинмай ошириш, ўқувчиларга янги педагогик технология элементлари асосида дарсларни ташкил этадилар, ўқувчилар билан дарсдан ташқари машғулотлар ўтказиш йўли билан физик билимларни оширишга, физика фанига қизиқишни яхшилашга ўз ҳиссаларини қўшадилар, деб умид билдирамиз.

Олимбой АСҚАРОВ,
Хоразм вилояти ПҚТМОИ ректори, физика-математика фанлари номзоди,
Отабек ЭГАМБЕРДИЕВ,
физиклар гуруҳи раҳбари

ФИЗИКАСИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎҚ

Мамлакатимизда физика фани бўйича эришилган муваффақиятлар ва унинг истиқболлари, янги асрда физика таълимини яхшилаш, унинг самарадорлиги ва мавқеини ошириш масалалари "Маърифат" газетасининг 2001 йил 27 октябрь сонида эълон қилинган профессор О.Қувондиқовнинг "XXI асрда физик таълим қандай бўлиши керак?" номли мақоласида кўрсатиб берилган. Республикамиз физик олимларининг илмий ишлари кўлами ҳамдўстлик мамлакатлари орасида салмоқли ўринни эгаллайди. У Россия, Белоруссия, Украина ва Эстониядан кейинги бешинчи ўриндадир.

Физиканинг табиий билимлар таркибида тутган мавқеи ва уларни интеграцияловчи роли тўғрисида кўплаб фикрлар ва далилларни келтириш мумкин. XX асрнинг 70 йилларида фанга кириб келган табиат ва жамиятдаги ночизиқли жараёнлар тўғрисидаги синергетика фани янги асрда, албатта, янада ривожланади. Синергетика фани табиат ва жамият фанлари учун умумий бўлган атамаларни ўз таркибига оладики, улар физика соҳасига ҳам кириб келмоқда. Физика дастурларига бу атамаларни киритиб, улар тўғрисида шарҳлар бериш керак бўлаяпти.

Мақолада физикани оммалаштиришга жиддий эътибор бериш лозимлиги тўғрисида гап боради. Ҳақиқатдан ҳам, физикага ҳамда физика в природе", ("Табиатда физика") ва бошқа шунга ўхшаш адабиётларни зудлик билан ўзбек тилига ўгириб чоп этиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Бундан ташқари, физиканинг ҳар хил йўналишлари, айрим мавзулари ва уларни табиатда, турмушда кузатиш, қўллаш бўйича илмий-оммабоп рисолалар серияларини чоп этишни йўлга қўйиш керак. Масалан, "квант" русумли илмий-оммабоп кутубхона, мактаб ўқувчисининг илмий-оммабоп кичик кутубхонаси, физикада эришилган замонавий ютуқлар ҳамда янгиликлар бўйича сериялар ва ҳоказо.

Физиканинг мавқеини оширишда кўпгина таълим йўналишлари ўқув жараёни жадвалларига физика ўқув курсини киритиш зарур деб ҳисоблаймиз. Масалан, 5558100 "Архитектура" бакалавр тайёрлаш таълим йўналиши бўйича 3-курсда "архитектуравий физика" фани ўтилади (46 соат маруза, 12 соат лаборатория машғулотлари).

Бу фан таркибида иссиқлик, акустика ва ёруғлик техникаси бўлимлари ўрганилади. Бу бўлимларни ўрганиш учун талабаларда умумий физиканинг механика, термодинамика, тебраниш ва тўлқинлар, электр ва оптика қонунлари тўғрисида тушунча ва кўникмалар бўлиши керак. Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида "архитектура" таълим йўналиши бакаврлари физика соҳасида эгаллаши керак бўлган тушунчалар таълабларини, бошқа муҳандислик йўналишлари бакалаврларига қўйилган талаблар (масалан, 5580200 "Бино ва иншоотлар қурилиши") билан мос келади. Лекин "архитектура" — намунавий ўқув режасига умумий физика ўқув фани киритилмаган.

Худди шундай ҳол, 5340200 "Менежмент", 5340100 "Иқтисодиёт" таълим йўналишларида ҳам мавжуд. Юқорида зикр этилган иккита таълим йўналиши бўйича "Умумий физика" ўқув курсининг ўқув режаларига киритилиши, бу йўналишлар бўйича дарс берилаётган "Табиатшунослик асослари" ўқув курсида эътибор кўпроқ "Ҳозирги замон табиатшунослиги концепцияси"ни ёритишга қаратилган бўлар эди.

Олий ўқув юртлари талабалари синергетика билан чамбарчас боғланган, ночизиқли динамика тўғрисидаги ҳозирги замон физикасини ўқишлари керак.

Профессор О.Қувондиқов тўғри таъкидлайди. Республикамизда физиклар жамияти ташкил этиш керак. Асосида ночизиқли жараёнлар ётган XXI аср физика концепциясини ишлаб чиқишни ташкил этишда бу жамиятнинг роли, албатта, муҳимдир.

Мамлакатимизда физика-техника йўналишида университет очилиши тарафдоримиз. Албатта, бу олий даргоҳга талабаларнинг тест назоратида кўрсатган билимларидан ташқари илмий дунёқарашини, интелектуал даражасини аниқлаш бўйича республикадаги етук олимлар, мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати суҳбат ўтказиши лозим бўлади. Келгусида давлатимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, илмий салоҳиятини оширишга қурби етадиган бўлғуси олим ва мутахассисларни пухталик билан хатосиз танлаб олиш даркор. Зеро, бу университет миллатимизнинг кўрки, илмий салоҳиятини бутун оламга кўрсата оладиган даргоҳ бўлиши лозим.

Ў.ЎСАРОВ,
Самарқанд Давлат архитектура қурилиш институти доценти, физика-математика фанлари номзоди, институт ўқув бўлими бошлиғи

БИЛИМДОНЛАРГА СОВҒАЛАР

Мана, бир неча кундирки, биз даволаниб, таълим-тарбия олаётган даргоҳда катта тантана. Сиҳатгоҳимиз байрам либосига бурканган. Чиройли безаклардан либос кийган улкан арча атрофида 400 нафарга яқин ўқувчилар йиғилишган. Куй-қўшиқ, карнай-сурнай садолари узоқ-узоқларга эшитилади.

Қорбобо ва Қорқизнинг талабларига кўра даврага 20 та қопда тўла совға келтирилди. Маълум бўлишича, Президентимиз юборган ушбу совғалар фақатгина энг билимдон, зукко, одобли ўқувчиларга берилар экан. Қоплардаги совғаларни олиш учун нафақат дарсликлар, балки дунёдаги сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маиший, маънавий соҳалардан ҳам чуқур билимга эга бўлиш зарур экан. Хуллас, кўп ўтмай Қорбобо ва Қорқиз болаларга савол-жавоблар билан мурожаат қила бошлади. Орадан бир неча соат вақт ўтгач, 19 қопдаги совғларнинг эгаси аниқланди. Бир чеккада ийманиб турганимни кўрган Қорқиз менга ҳам саволлар берди ва жавобларимдан қониқиш ҳосил қилди шекилли охирги совғани менга топширди.

Ушбу тантана бизда жуда катта таассурот қолдирди.

Ғуломжон ОТАЖОНОВ,
Тўрткўл туманидаги 5-сон санатория интернати ўқувчиси

ВАЗИФАЛАР СИФАТ БАЖАРИЛМОҚДА

ўзи бўларчиликка берилиш эса яхши натижаларга олиб келмайди

Айни пайтда мамлакатимиз ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги ислоҳотларни амалга ошириш борасида қилинган ишлар самараси нуфузли халқаро ташкилотлар, давлатлар ҳамда кенг жамоатчилик томонидан юқори баҳоланмоқда.

Ушбу тизимдаги ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида ҳукумат томонидан сўнгги йилларда бир неча муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2001 йил 12 июнда қабул қилган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 253-сонли Қарорига кўра 2001-2003 йилларда ўрта махсус ўқув юртлари (техникумлар) ва ҳунар-техника билим юртларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга айлантириш белгиланди.

Мазкур Қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида Давлат тест марказининг кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси томонидан жорий йилда Тошкент шаҳридаги 35 та техникум ва 24 та ҳунар-техника билим юртининг 1-курсларида таълим жараёнининг ташкил қилинганлик даражаси ҳамда педагог кадрлар савияси ўрганиб чиқилди.

Фаолияти ўрганилган барча таълим муассасаларида таълим жараёни касб-ҳунар коллежлари учун мўлжалланган ДТС асосида ишлаб чиқилган йўналишларнинг ўқув режалари ва таълим дастурлари билан тўлиқ таъминланганлиги эътироф этилди. Шунингдек, таълим муассасаларида маънавий-маърифий мазмундаги қатор тадбирлар амалга оширилган. Ўқувчилар ўртасида бугунги кунда содир бўлаётган халқаро воқеаларга оид йиғилишлар ўтказилганлиги ҳам диққатга сазовордир.

Аммо янги таълим мазмуни асосида ўқув жараёнини ташкил қилиш билан боғлиқ бир қатор камчиликлар, ноаниқликлар ва муаммолар мавжудлиги аниқланди. Жумладан, қарорда белгиланган айрим вазифаларнинг бажарилиши суст бораётганлиги кузатилди.

Хусусан, фаолияти ўрганилган таълим муассасаларининг ихтисослашуви, бино ва иншоотларини таъмирлаш, зарур асбоб-ускуналар билан таъминлаш ишлари қониқарсиз бажарилган. Ўқув жараёни таҳлил этилган айрим таълим муассасаларида "Информатика" фанини ўқитишда малакали педагоглар етишмаслиги ҳамда компьютер техникаларининг йўқлиги сабабли мазкур фанни ўқитиш қониқарли ташкил этилмаган. Таълим муассасалари "Физика", "Кимё", "Биология" фанларидан белгиланган лаборатория машғулотларининг бажарилиши учун зарур жиҳоз ва асбоб-ускуналар билан таъминланмаган.

Ўқув юртларида ДТСни жорий этиш борасида ҳам камчиликларга йўл қўйилган ва айрим фанларни ўқитиш ишларига эътиборсизлик билан қаралган. Жумладан, янги технологиялар бўйича республика касб-ҳунар лицейида 4 та (она тили ва адабиёт, иқтисодий география, техникавий чизмачилик, қурилиш чизмачилиги), 13-касб-ҳунар мактабида 5 та (кимё, биология, эстетика, металлар технологияси, "Давлат ва ҳуқуқ асослари"), 14-касб-ҳунар мактабида 5 та (физика, чизмачилик, информатика, математика, эстетика), 7-бизнес мактабида 5 та (биология, информатика, тарих, география, Конституцияни ўрганиш курси) 3-касб-ҳунар мактабида эса ўқув режаларида кўрсатилган 22 та фаннинг 12 таси ўқитилмаяпти.

Кутубхоналардаги дарсликларнинг етишмаслиги, қироатхоналардан унумли фойдаланмаслик ва ўқув лаборатория хоналарининг жиҳозланиш даражаси паст бўлган ўқув юртлари жумласига пойтахтимиздаги матбаа, темир йўл транспорти, кечки машинасозлик техникумлари, хореография, олимпия заҳиралари билим юртлари, эстрада-цирк, меҳрибонлик коллежларини ҳамда фаолияти ўрганилган барча ҳунар-техника билим юртларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Таълим муассасаларида янги ўқув йили учун ўқувчилар қабулини амалга оширишда ҳам кўплаб ноаниқликларга йўл қўйилган. Мазкур таълим муассасаларига ўқувчиларни қабул қилиш илмий жиҳатдан шаклланмаган ва таркиби такомиллашмаган Тошкент шаҳар халқ таълими туман бўлимлари қошидаги чиқарган. Шу боис айнан "молия", "бухгалтерия ҳисоби", "ҳуқуқий хўжалик фаолияти" каби йўналишларга ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаси тиббиёт билим юртларига кўплаб ўқувчиларни қабул қилишга олиб келган. Шунингдек, таълим муассасаларига ўқувчилар қабулини режалаштиришда улардаги моддий-техникавий имкониятлар тўлиқ ҳисобга олинмаган. Шуни айтиб ўтиш лозимки, 1, 8, 13, 14, 16, 17, 18, 22-касб-ҳунар мактаблари ҳамда 3, 7-бизнес мактабларида ҳам ўқув юртларининг ихтисослашуви, таълим соҳаси ўрнатилган тартибда белгиланмаган, янги йўналишларни очишга қўйиладиган талаблар эътиборга олинмасдан, талаб катта соҳаларга ўқувчилар қабули амалга оширилган.

"Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг 1-босқичи тугалланган бўлса-да, фаолият кўрсатаётган касб-ҳунар, бизнес мактаблари ҳамда ҳар хил номлардаги (республика тажриба илмий таълим мажмуаси, янги технологиялар бўйича республика КҲЛ, енгил саноат бўйича республика КҲЛ, Каланов номли янги технологиялар КҲЛ) ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифатини таъминлаш мақсадида таълим жараёнига замонавий техник восита ва педагогик технологиялар жорий этилмаган. Ҳаттоки, шу вақтга қадар ушбу ўқув юртларининг тўғри номланиши ва ихтисослашувига ҳам эътибор қаратилмаган.

Таълим фаолияти ўрганилган баъзи ўрта махсус, касб-ҳунар билим юртларида қарорнинг 3-бандида белгиланган педагог-ўқитувчиларни аттестация орқали ишга жалб этиш топшириғига ҳам масъулиятсизлик билан қаралган. 3-, 21-, 22-касб-ҳунар мактаблари, енгил саноат бўйича республика касб-ҳунар лицейи, республика тажриба илмий таълим мажмуаси ҳамда Тошкент хореография билим юрти, кечки машинасозлик техникумлари шулар жумласидандир.

Умуман, Тошкент шаҳрида фаолияти ўрганилган таълим муассасаларида қуйидаги масалаларга эътибор қаратилмаган:

— ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари раҳбарларининг кўпчилиги бозор муносабатларининг қонуниятлари асосида изланишмаган ҳамда тайёрланаётган кадрлар сифати ва уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашда ижобий ишларни бажаришмаган;

— ўқувчилар билимини назорат қилиш жараёнига эътибор кам қаратилган ва ўқувчиларнинг қизиқиши, интилиши, қолаверса, фанларни ўзлаштиришига оид дарсдан ташқари машғулотлари сифатли ташкил этилмаган;

— таълим муассасаларининг кўпчилигида моддий-техник, педагог-ўқитувчилар салоҳияти ҳисобга олинмасдан ижтимоий-иқтисодий соҳага хос йўналишларга ўқувчилар қабули амалга оширилган.

Тошкент шаҳридаги фаолияти ўрганилган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқув-тарбиявий жараёнига жиддий эътибор зарур. Зеро, ислоҳотни изчил амалга оширишда хотиржамликка, ўзи бўларчиликка берилиш яхши натижаларга олиб келмайди. Буни эса янги таълим мазмуни шаклланаётган таълим муассасаларининг раҳбарлари масъулият билан сезишлари шарт.

Р.РАЖАББОЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат Тест маркази Кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш, педагог кадрлар ва таълим муассасалари аттестацияси бошқармаси бўлим бошлиғи,

Қ.БОЙМИРОВ,
бош эксперт

Tahlil, tanqid

ҲОМИЙЛАРНИНГ БОЛАЛАРГА ТУҲФАСИ

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимияти томонидан янги йил тадбирларини янада қизиқарли ўтказиш режаси ишлаб чиқилган эди. Унда байрам кунларида ҳудуддаги 4-мактаб ўқувчилари, 8-мактабгача таълим муассасаси ҳамда ётоқхона ва маҳаллаларда яшовчи кам таъминланган оилалар фарзандларига "Президент арчаси" тадбирини уюштириб, 1000 га яқин кичкинтойларга тўлиқ совғалар улашиш кўзда тутилган. Шу мақсадда шаҳарча "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Миллий университети, ТДТУ, "Зебунисо она" ва "Эътиқод" хусусий фирмаларининг ҳомийлик ёрдами бу савобли ишга жалб этилди. Бу байрамона кайфият 10 кун давом этиб, болалар театрлаштирилган саҳна кўринишлари ҳамда шаҳарча ҳокимияти қошида ташкил этилган "Турон" ҳаваскорлар студияси хонандалари ижросидаги қўшиқлардан баҳраманд бўлишади.

Дилдора БОЙМУРОДОВА

АНГРЕНДА ШУНДАЙ МАКТАБ БОР

Пойтахт вилоятининг Ангрен шаҳрида мактаблар кўп. Шулардан бири шаҳарга кираверишдаги Мирзо Улуғбек номидаги 13-мактаб бўлиб, ушбу илм ўчоғи 1989 йилда ўз фаолиятини бошлаган.

— Мактабимизнинг асосий йўналиши болаларга экологик тарбия бериш ва ўз-ўзини бошқаришни ўрганиш, — дейди Маҳфузахон.

Яқиндагина мактабнинг атрофи қипқизил дашт эди. Маҳфузахон ўз жамоаси билан, энг аввало, мактаб атрофини кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор билан киришди. Шаҳарнинг чеккасида бўлган Оҳангарон ўрмон хўжалиги билан мунтазам алоқа боғлаб, мактаб атрофига беш юз тупдан кўпроқ олма, ўрик, шафтоли, олхўри, нок, нашвати, турли гуллар ва манзарали дарахт кўчатларини экишди. Бу ишда уларга Оҳангарон ўрмон хўжалигининг раҳбари Анваржон Шамсутдинов яқиндан ёрдам берди. Бугун фақат мактабнинг сиртидагина эмас, балки унинг барча синфлари хоналарида ҳам анвойи гуллар парвариш қилинмоқда. Мактабнинг боғи ўтган йилдан бошлаб ҳосил бера бошлади. Бултур дастлабки мевалар бозорга чиқди. Бунинг натижасида аста-секин мактабнинг Ангрен шаҳар банкида ўз молиявий ҳисоб-рақамлари пайдо бўлди.

Мактаб маъмурияти болаларни касбга йўналтиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда мактабда тикувчилик ва гилам тўқиш цехлари ташкил этилди. Бу ерда ўқувчилар томонидан тикилаётган аёллар пешбандлари, уй халатлари, ўқувчиларнинг бежирим байрамона кийимлари доимо харидоргир десам янглишмайман. Тўқилган гиламлар эса Хоразм ва туркман гиламлари билан бемалол беллаша олади. Уларни сотишдан тушган маблағлар ҳам мактабнинг банкдаги ҳисоб рақамининг янада ўсишига хизмат қилмоқда.

— Айни пайтда ана шу маблағнинг бир қисмига мактаб кутубхонаси заҳирасини бойитиш, ўқувчиларнинг илм олишга бўлган эътиёжларини қондириш мақсадида 200 дан ортиқ лотин имлосига асосланган янги ўзбек ёзувидаги бадиий китоблар сотиб олдик. Булардан ташқари ота-оналардан Зиёвутдин Меҳмонов, Фаридахон Мираҳмедова ва бошқалар ҳам мактаб кутубхонаси фондининг бойитилишига ўз ҳиссаларини қўшдилар.

Мактабда айрим фанларнинг ўқитилиши ҳам ғоятда юқори савияда олиб борилади. Айниқса, ўқувчиларнинг маънавий тарбия-сига жиддий эътибор берилмоқда. Мактаб директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Ўрозгул Мусурмонованинг саъй-ҳаракатлари билан мактаб ўқувчилари ўртасида "Бизнинг маънавий асосларимиз", "Биз сув ичган булоқлар", "Биз катта бўлган бешик", "Бобо ва момоларимиз маънавияти", "Сен эртага ким бўлмоқчисан?" мавзуларидаги мунозаралар, театрлаштирилган кечалар, қолаверса, Ангрен шаҳрининг кекса отахон ва онахонлари, эл ҳурматига сазовор таниқли кишилар иштирок этган, учрашувларда халқимизнинг қадриятлари, урф-одатлари, миллий анъаналари тўғрисида ўқувчиларга гапириб берадилар.

Бугун мактабда биринчи синфдан бошлаб инглиз ва бошқа чет тилларининг ўқитилиши, болаларда уларга ҳавас уйғотиши кишини қувонтиради. Мактабнинг чет тили муаллимлари Фотимахон Зокирова ва Раҳимахон Омиловалар инглиз тилида ўқувчилар билан турли кечалар, танловлар ўтказиб туришади.

Мактабда ҳуқуқий билимларни болаларга ўқитиш ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент Ислом Каримов асарларини ўрганиш бўйича Ангрен шаҳар судининг раиси Абдумалик Ирсалиевнинг суҳбатлари, ўқувчилар билан мунозаралари уюштирилди. Шунингдек, шаҳар прокуратураси ходимлари, ички ишлар бўлимининг раҳбарлари, шаҳар адвокатураси ходимлари билан учрашувлар ҳам ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимлари ошиши учун катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Шаҳар ички ишлар бўлимининг ходими Бахром Эсонов эса мактабга тез-тез келиб, ўқувчиларни ҳуқуқий билимлар ва ички тартиб қоидалар билан таништириб туради.

— Илгари ўқувчилар ўртасида жиноятга қўл урувчи ўқувчилар ҳам бўлган эди, — дейди Б.Эсонов. — Аммо мактаб маъмурияти билан ички ишлар бўлими келишган ҳолда олиб борилган ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Кейинги етти-саккиз йил ичида ўқувчиларнинг ҳам, мактабнинг ҳам қиёфаси давримизга мос бўлиб ўзгаргани қувончлидир.

Мўмин ҚАЮМ
Суратларда: мактаб ҳаётидан лавҳалар

Бугунги кунга келиб, Internet тармоғидан истаган киши фойдаланиш имконцятига эга бўлди. Шуни таъкидлаш жоизки, Internetнинг таълим тизимидаги ўрни шу қадар каттаки, усиз замонавий таълимни тасаввур этиш қийин.

Кафедралар таълим учун, таълим кафедралар учун, деган тамойил нуқтаи назаридан қаралса, кеча амалга оширилган иш бугун эмас, эртага «мева» беради. Демак, бу «мева» жамиятга кўпроқ манфаат келтириши учун кафедралар бугуннинг талаби билан нафас олиши ва эртани кўра билиши керак.

Ma'rifat

Yangi pedagogik texnologiya

«БАҲС» ДАРСЛАРИ

Ўқув жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш дарс ўтишнинг замонавий методларидан биридир.

Янги педагогик технологиялардан бири сифатида "Баҳс" услубидаги дарсларни келтириш мумкин. "Баҳс" услубида ўтказилган дарслар ёшларга мураккаб муаммоларни ечишдан олдин фикрлашни, танқидий мулоҳаза юритишни, муаммони мантиқан таҳлил қилишни, ҳақиқат қай томонда эканлигини аниқлай ола билишни ўргатади, уларда таҳлил қилиш, фикрларни таққослаш, устун жиҳатларни ажратиб олиш, далиллар йиғишни ва уларни мантиқий тартибга солиш, ҳақ эканлигига ишонтириш, муомала қилиш қобилиятини шакллантиради.

"Баҳс" дарслари ўқитувчи олдига ҳам бир қанча вазифаларни қўяди. Ўқитувчи, авваламбор, ўз вақтини аямаслиги керак. "Баҳс" дарслари ўтказиш учун баҳсга тортиладиган мавзуларни белгилаш, ўйлаб топиш, ўқувчиларда ўзига ишонч туғдириш, ўз фикри билан ўртоқлашиш, бошқалар фикрини қадрлаш, эшитиш кўникмасига эга бўлиш талаб этилади.

Ўз ўрнида "Баҳс" дарслари:

Ўқувчиларга мақсадини аниқлаш имкониятини яратади.

Дарсни жонлантиради.

Ўқувчиларни муҳокамага чорлайди.

Ўқувчиларни саволлар тайёрлаб, бир-бирларининг жавобларини эшитишга, таҳлил қилишга йўналтиради.

Адабиётларни ўқиб, изланишга мажбур этади.

Шундай муҳит яратадики, бунда ҳар бир фикр ҳурматга лойиқ ҳисобланади.

Ўқувчиларни қадрли ҳисобланган фикрлар устида бир тўхтамга келишга мажбур этади.

Бундай дарсларни ташкил этиш учун Карл Поппернинг "Дебатлар дастури"-дан фойдаланиш ҳам мумкин. Дастурда "Баҳс" уюштиришнинг ҳамма тартиб-қоидалари ишлаб чиқилган. Бундай дарсларни ташкил этиш учун ўқитувчи дастур билан таниш бўлиши керак. Ўқувчиларни ҳам тўлиқ таништириш лозим бўлади.

Дастур бўйича бири тасдиқловчи, иккинчиси инкор этувчи бўлган икки жамоа 15 кун олдин берилган мавзу бўйича баҳслашади. Ҳар бир жамоа аъзосининг аниқ вазифаси, сўзлаш вақти белгилаб қўйилади. Қолган ўқувчилар эса кузатувчига, яъни экспертларга айланишади. Улар ўйин жараёнини кузатиб, ҳар икки томонни тинглашади. Баҳс тугагач, ўз фикр-мулоҳазаларини 2 дақиқа давомида билдиради. Яъни қайси жамоага овоз берадилар ва нима учун, деган саволга жавоб беришлари лозим.

"Баҳс" дарси иштирокчиларининг сўзлаш вақти чегаралганлиги учун ўқувчилардан бири ўйин давомида "Тайм Киппер" (вақт кўрсатувчи) вазифасини бажаради. У 2 дақиқа, 1 дақиқа, 30 сония вақт ёзилган карточкаларни кўрсатиб, сўзловчининг қанча вақти қолганидан огоҳлантириб туради.

"Баҳс" дарсини қуйидагича уюштириш мумкин:

РЕГЛАМЕНТ

Сўзловчилар	Берилган вақт
Т1	6-дақиқа
И3 -Т1	3 д.
И1	6 д.
Т3-И1	3 д.
Т2	5 д.
И1-Т2	3 д.
И2	5 д.
Т1-И2	3 д.
Т3	5 д.
И3	5 д.

Ҳар бир жамоанинг мулоҳаза юритиши учун қўшимча 8 дақиқа мавжуд. Бу 8 дақиқа ўйин давомида сўзга чиқишда тайёргарлик кўриш учун берилади.

Дарсни бу тартибда ташкил этиш ўқитувчи олдига ҳам бир қанча талабларни қўяди. Бу дарсда ўқитувчи ахборот берувчи ёки тушунтирувчи эмас, балки дарсни охиригача кузатувчи, ахборотларни қабул қилувчи ва охирги хулосани чиқарувчи ҳакамга айланади.

***

ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейида 3 йилдан бери "Баҳс" клуби ишлаб келмоқда. Клуб СОРОС фонди томонидан очилган Очиқ Жамият институти билан боғланган. Клуб замиридаги "Баҳс" аста-секин дарс жараёнига кўчди. Ҳозирда эса жуда яхши натижалар бермоқда. Яъни ўқувчиларнинг хулқида, дарсларга муносабатида, кўп адабиётлар ўқишида, муомала маданиятида, тинглаш кўникмасида ижобий томонга катта силжишлар бўлаяпти.

Бунга ўтган ўқув йили давомида тарих фанидан мавзулар бўйича ўтказилган "Баҳс" дарслари мисол бўла олади. "Ҳозирги даврдаги ҳаёт шўро давридаги ҳаётдан яхши", "Иқтисодий муаммолар экологик муаммолардан устун", "Амир Темур Европа халоскори", "Мафкура давлат тараққиёти учун муҳим омил", "Франциядаги инқилоблар давлат тараққиётига туртки бўлди" каби.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, "Баҳс" дарслари жуда жонли ўтади. Чунки жамоалар ўз йўналишларининг устунлигига экспертларни, яъни гуруҳдошларини ишонтира олишлари керак. Иштирокчиларнинг фаоллиги ҳар бир дарс сайин ошиб боради. Уларни баҳолаш эса қуйидаги тартибда белгиланади:

Бўшроқ — 1-5 балл
Қониқарли — 6-10 балл
Ўртача — 11-15 балл — «3» баҳо.
Яхши — 16-21 балл — «4» баҳо.
Аъло — 22-25 балл — «5» баҳо.

Жавобларни бу тариқа баҳолаш ўқувчиларнинг тайёргарлиги, нутқи, изланиши, билим сифати ва бошқа томонларни инобатга олишга имкон беради.

Бундай усулда дарс ўтишни ҳамма фанларда қўллаш мумкин.

Масалан: физикада "Ядро энергетикаси — дунёда энг яхшидир" (11-синф), "Инсониятга энергетик ҳалокат хавф солмоқда" (8-синф), рус адабиётида "Остап ўғлининг ўлимида айбдор"(7-синф), химия, адабиёт фанларида "Аниқ фанлар, гуманитар фанлардан муҳимрок" (10-синф), адабиётда "Кумушнинг ўлимида Зайнаб айбдор эмас"(11-синф) ва ҳоказо.

"Баҳс" дарсларини янги педагогик технология сифатида қўллаш тажрибасидан шундай хулосага келдикки, бундай дарслар ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланиши учун замин яратади, етук шахс бўлиб шаклланишида муҳим омил ҳисобланади.

Жамила МИРЗАЕВА,
ЎзМУ қошидаги Собир Раҳимов академик лицейи тарих ўқитувчиси

ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЯНГИЛИК БЕРГАН МАШҒУЛОТЛАР

Ҳозирги замон муаллими: у қандай бўлиши керак? Замонавий ўқувчи-чи? Асримизнинг тезкорлиги, шиддаткорлиги, айни пайтда фан ва техника ривожланиб, барча жабҳаларда компьютер ҳукмронликни қўлга олаётган даврда том маънодаги ўқитиш ва ўқиш ишлари қандай тарзда олиб борилмоғи лозим?

Яқинда Тошкент шаҳар туризм касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тўрт кунлик илмий-амалий ўқув машғулотлари юқоридаги саволларга бир қадар ойдинлик кирита олди, десак янглишмаган бўламиз. Бу ўқув машғулотлари ЮНИСЕФ халқаро болаларни ҳимоя қилиш жамғармаси ҳомийлигида ташкил этилди.

Илмий-амалий машғулотларнинг қизиқарли, жонли, мазмунли ва янги усул ҳамда услубларда ўтказилишида гоя муаллифи, координатор М.Раҳимова, тренерлардан Г.Раҳимова, С. Мирқосимов, Б.Исмоиловларнинг хизматлари беқиёс бўлди. Улар замонавий ва жаҳон талабларига мос келувчи, илғор ўқитиш усуллари орқали машғулотлар ўтказиб, коллеж ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталарининг билимларига билим қўшиб, уларни келгусида янада ўз ишларига ижодий ёндошган ҳолда фаолият кўрсатишларига илҳомлантира олдилар.

Машғулотларда маърузалар ўқилди, бинго ўйинлари ташкил этилди, театрлаштирилган ҳолатлар уюштирилди, тингловчилар ижодий ишлашга ундалди, уларнинг қувваи ҳофизалари нималарга қодирлиги аниқланди. Ҳозиржавоб бўлишга, иш қоидаларига риоя қилишга ўргатилди, пантомимолар намойиш қилинди.

— Машғулотлар даврида, — дейди биз билан суҳбатда коллеж директори, иқтисод фанлари номзоди Холматжон Аҳмедов, — биз янгидан-янги атамаларга дуч келдик. Масалан, биз тингловчилар орасидан таймкиппер, яъни топшириқ олган чоғимизда вақтни кўрсатиб турувчи вакилимизни тайинладик. Айни чоғда, фасилитатор — икки жамоа музокараларини олиб борувчи, навбати билан бирор жамоага сўз бериб турувчи шахснинг ёрдамига таяндик. Очиғи, машғулотларнинг бундай тарзда олиб борилиши биз учун янгилик бўлди. Келгуси фаолиятимизда биз ҳам бу каби янгиликлар асосида ўқувчиларимизга сабоқ беришни дилимизга тугиб қўйдик.

Тренинг машғулотларида инсон ҳуқуқлари, шунингдек, болалар ҳуқуқлари конвенцияси ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди. Бу машғулотлар турли кўргазмали қуроллар воситасида, жумладан, анкета тарқатиш, баҳс-мунозара ва ҳикоялар таҳлили орқали амалга оширилди.

Айни чоғда, умумжаҳон инсон ҳуқуқлари деклорацияси, жумладан, фуқаролик, тенглик, шахсий ҳуқуқлар, айбсизлик презумцияси, меранда қоидалари, сўз ва эътиқод эркинлиги тўғрисида ҳам тингловчилар бой маълумотларга эга бўлдилар.

Ўқитувчилар жиноят нима, нима учун ҳозирги кунларда ёшлар ўртасида жиноят кўп содир бўлмоқда, деган савол билан тренерларга мурожаат этишди. Г.Раҳимова ёшлар ўртасида жиноят, асосан уларнинг зерикишидан, бекорчиликларидан, баъзи ҳолларда эса оилавий муҳит носоғломлигидан, болани яхши тушунмасликдан келиб чиқаётганини таъкидлади. Бунинг учун оила мустаҳкам, тарбия ва муҳит яхши бўлиши, болаларни бекорчиликдан асраш кераклиги уқтирилди.

Ҳозирги замон ўқитувчисининг ўзига хос хусусиятлари қандай бўлиши керак, деган савол билан мурожаат қилган тингловчи мураббийлар тренер С.Мирқосимовдан шундай жавоб олдилар:

—Аввало, ўқитувчи ўз ўқувчиларини севиши керак. Ўқитувчида дидактив қобилият, яъни оғир мавзуни енгил, мураккабни содда қилиб тушунтира олиш, академик — кенг ва чуқур билим бериш қобилияти бўлиши, ўқувчининг ички оламига кира олиши — пецевтив қобилият соҳиби бўлиши лозим. Шунингдек, у ташкилотчи, ўқувчига таъсир эта оладиган — авторитар қобилиятга эга бўлиб, ўзига торта оладиган, яъни коммуникабеллик қобилиятини намоён эта олсагина муваффақиятга эриша олади...

Хуллас, бу каби тренинг илмий- амалий ўқув машғулотлари ўқитувчиларга янгилик бера олганлиги, замонавийлиги, илғор усулларда олиб борилганлиги, қизиқарлилиги билан маъқул тушди. Тингловчи устоз ва мураббийлар машғулотлардан сўнг ўзларида янги куч, қувват пайдо бўлгани, бундан буён ҳар бир дарсга ижодий ёндошган ҳолда тайёргарлик кўришларини таъкидладилар.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
«Маърифат» мухбири

«INTERNET» ҚАНДАЙ ВУЖУДГА КЕЛДИ?

Ўтттиз йил илгари АҚШ Мудофаа Вазирлиги томонидан электрон тармоқ яратилиб, унга ARPAnet деб ном қўйилди. Ушбу тармоқнинг яратилиши Internetга асос солди. ARPA net синов тармоғи бўлиб, асосан, ҳарбий саноат соҳасидаги илмий изланишлар мақсадида фойдаланилган.

ARPA netнинг асоси — узатувчи компьютер билан қабул қилувчи копьютер орасидаги алоқа ҳисобланарди. Аммо бу тармоқдаги компьютерларнинг ўзаро алоқаси узлуксиз бўлмай, тўсатдан узилиб қолиши ҳам мумкин эди. Тармоқдаги ахборотлар алмашинуви IP (Internet Protokol) асосида олиб бориларди. Интернет протоколи — бу тармоқнинг ишлаш қонун-қоидаларининг мажмуасидир.

Кейинчалик, АҚШ Стандартлаштириш Қўмитаси IPни барча электрон тармоқлар учун ягона стандарт шакл, деб эълон қилди. IP таъминловчи дастур сифатида барча компьютерларда ўрнатила бошланди. Бу эса ўз ўрнида компьютерларнинг барча турлари учун тушунарли бўлган ягона тилнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

ARPAnet яратилгандан сўнг, ўн йил ўтгач, локал ҳисоблаш тармоқлари ҳам вужудга кела бошлади. Бир вақтнинг ўзида «Ишчи станция» деб номланган компьютерлар ҳам ихтиро қилинди. Уларга UNIX деб номланган операцион системалар (ос) ўрнатилди.

Бу ОСлар компьютерларнинг янги ва хилма-хил вазифаларни бажариши учун имконият яратди. ARPA net тармоғига бўлган қизиқиш ва талаб кундан-кунга ошиб борди. Айни вақтда, хилма-хил янги электрон тармоқлар ҳам вужудга келди. Шунда бир нарса аён бўлиб қолдики, агар барча мавжуд тармоқларни бир вақтнинг ўзида ўзаро боғлаш мумкин бўлса, бундан ҳамма ютар экан. Яъни бир тармоқ фойдаланувчиси билан ўзаро алоқа ўрнатиш имконияти пайдо бўларди.

Вужудга келган янги тармоқлардан энг муҳими NSFnet бўлиб, у АҚШнинг Миллий Илм-фан Жамғармаси (National Science Foundation — NSF) томонидан ишлаб чиқилганди.

80-йилларга келиб бу электрон тармоқ АҚШ бўйлаб энг йирик беш суперкомпьютер марказларини ўзаро боғлади.

Лекин бу кўрсаткич ниҳоятда паст бўлиб, аҳоли талабини қондиролмас эди. Шунинг учун умумий бир тармоқ яратиш эҳтиёжи туғилди. Умумий тармоқ сифатида IP асосида ишловчи ARPAnet танланди. Аммо ҳарбийларнинг бюрократлиги сабабли (бу пайтда ARPAnet ҳарбийлар тасарруфида эди) бу лойиҳа амалга ошмади.

Шунда NSF IP асосида ишловчи янги умумий тармоқ ишлаб чиқишга қарор қилинди. Лойиҳага кўра, янги тармоқ марказлари ўзаро телефон симлари орқали боғланадиган бўлди.

Бироқ тармоқнинг барча фойдаланувчиларини телефон симлари ёрдамида марказлар билан улаш мумкин эмасди. Сабаби бу жуда катта маблағни талаб қилар эди. Бу масалани ҳал этиш мақсадида, мамлакатнинг ҳар бир қисмида алоҳида марказлар ташкил қилинди ва ушбу марказлар марказий суперкомпьютерларга уланди. Амалга оширилган бу тадбир натижасида ягона бир тармоқ яратилди.

NSF лойиҳасининг ҳаётга тадбиқ этилиши оламшумул воқеа бўлди. Қисқа вақт ичида янги тармоққа бўлган қизиқиш ва талаб ошди. Фойдаланувчилар ва маълумот миқдори шу даражада кўпайиб кетдики, ҳатто марказий бошқарув системалар ҳам ишдан чиқа бошлади.

1987 йилда NSF тармоқ ўсишини назорат қилиш ҳуқуқини Merit Network Inc компаниясига сотади. Merit Network Inc, IBM ва MC компаниялари билан эскириб қолган ахборот узатиш тизимларини янгилай бошлади.

Бугунга келиб ҳам бу жараён тўхтагани йўқ, сабаби Internet тармоғи ҳар сония тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Янгилаш жараёни тармоқда тўхтовсиз амалга оширилади. Шунга қарамай, бу ҳақда фойдаланувчиларнинг хабари бўлмайди. Масалан, сиз ҳеч қачон тармоққа киргач, «ТАРМОҚ ЯНГИЛАНАЁТГАНЛИГИ САБАБЛИ ЯРИМ ЙИЛ ИШЛАМАЙДИ», деган ёзувни кўрмайсиз. Internet тармоғи билан боғлиқ бўлган муаммолар янгидан-янги ахборот технологияларини ихтиро қилишга ундайди.

Тармоқ пайдо бўлган илк даврда ундан, фақаттина илмий ходимларнинг фойдаланиши мумкин эди. Лекин NSFнинг саъй-ҳаракатлари билангина у оммавийлаштирилди.

Бугунги кунга келиб, Internet тармоғидан истаган киши фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Internetнинг таълим тизимидаги ўрни шу қадар каттаки, усиз замонавий таълимни тасаввур этиш қийин.

Мансур АБДУСАТТОРОВ
«SCIENCE» журналидан таржима қилди.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ — ҚУВОНЧЛАР САРЧАШМАСИ

Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар йили Президент арчаси байрамлари ўтказилмоқда. Бу минглаб кўнгли ярим, ногирон, меҳр-га ташна болаларга олам шодлигини бахш этмоқда. Бу ғамхўрлик, бу эътибор бугун қувончларга йўғрилган болаларнинг камолотида, албатта, намоён бўлади. Ўзининг ёлғиз эмаслигини, унинг ортида меҳрибон Ватани, ғамхўр Юртбошиси бор эканлигини англаган мурғак қалблар эртага, албатта, шу юртга, одамларга ўз меҳрини, садоқатини кўрсатишига шак-шубҳа йўқ.

Андижон шаҳридаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг муҳташам залида Президент арчаси байрами ўтказилиб, унда вилоятдаги мавжуд меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва бошқа тарбия масканларидан таклиф этилган болалар учун ҳамма нарса муҳайё бўлди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Содиқов, республика "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Т.Топволдиев, Андижон шаҳар ҳокимлиги, вилоят халқ таълими бошқармаси, жамоатчилик вакиллари болажонларни самимий муборакбод этдилар. Байрам қатнашчиларини келгусида Ватаннинг ишончли суянчлари бўлишларини, ўзларининг фидойиликлари, меҳнату заҳматлари билан юртнинг ёруғ келажагига хизмат қилишларини тиладилар.

Шунингдек, вилоятдаги бошқа болалар тарбия масканларида ҳам Президент арчаси тантаналари ўтказилди.

О.СИДДИҚОВ

КАФЕДРА ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Tahlil

«Кафдера» грекча сўз. «Лекция ўқиш, доклад қилиш, ахборот бериш ва шу кабилар учун махсус баланд қурилма, минбар» деб таъриф берилади бу сўзга «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да.

Олий ўқув юртлари барча мамлакатларда кафедра тизимида ишлайди. Хусусан, бизда ҳам шундай. Таъбир жоиз бўлса,кафедра таълим жараёнининг асосий манбаидир.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида кафедра ва таълим тизими қандай йўлга қўйилган? Мавзу муҳим ва бир-бирига узвий боғлиқ бўлганлиги сабабли таҳлил талаб қилар эди. «Электр алоқа ва радио» кафедраси мудири Абдулҳақ Холиқов мавзуга атрофлича ёндашишга ҳаракат қилиб,-қуйидагиларни мухбиримизга сўзлаб берди:

—«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» иккинчи босқичининг бош вазифаси сифат ва яна сифатдир. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмайди. Таълимда кенг қамровли ва синчковлик билан фаолият юритишнинг асосий аспекти, биласизки,кафедралар зиммасига юклатилади. Бинобарин, институт кафедраларининг таркиби, ишлаш тартиби ва жараёни шу аспектда тўлиқича намоён бўлади.

Мавжуд 4 та факультет теварагига 27 та кафедра жипслашган бўлиб, улар икки йўналишга хосдир.Биринчиси, умумтаълим фанларига хос кафедралар бўлиб, бунда талаба базавий билимларни эгаллаб, ўзини мутахассислик фанларига пухта тайёрлаб боради. Агар у олий математика, ҳисоблаш техникаси, графика, чет тиллари, ўзбек ва рус тиллари, физика, жисмоний тарбия, тарих, фалсафа каби фан йўналишларини пухта ва керагича эгаллаб борса, мутахассислик фанларини ўзлаштиришда қийинчиликларга дуч келмайди.

Махсус кафедралар эса 16 та бўлиб, улар орқали ташкил қилинадиган таълим жараёни талабаларнинг танлаган мутахассисликларини мукаммал эгаллашларига қаратилган. Уларнинг бир-бири билан боғлиқ бўлиши ва кетма-кетлиги ишчи ўқув режаларини тузишда ҳам инобатга олинади. Таълим аввало деканат, сўнгра ректорат орқали бошқарилади. Ўқув бўлими ва ички назорат инспекцияси ҳам кафедраларнинг таълим жараёнига фаол аралашувини кузатади, таҳлил қилади, умумлаштирувчи хулосалар чиқарарди.

Бакалаврлик ва магистратура бўйича тасдиқланган намунавий ўқув дастур ва режалари асосида ишчи ўқув дастури ва режаларини тасдиқлаб олганмиз. Фанлар бўйича тузилган ўқув режалари асосида ҳар бир кафедра ўз дарс жадвалларини ўқув бўлимига тақдим этади. Кафедраларнинг фикр-мулоҳазалари умумлаштирилгандан сўнг диспетчер хизмати стандартларга мувофиқ дарс жадвалларини ишлаб чиқади. Жадваллар ҳар ўқув йилида икки мартадан тузилади.

Олий таълим бўйича давлат таълим стандратларининг ишлаб чиқилиши институтимиз кафедралари зиммасига янада масъулиятли вазифаларни юклади. Юқорида таъкидлаганимдек, намунавий ўқув дастурлари асосида юзага келадиган ишчи ўқув дастурларида мутахассислик фанларининг бир-бирига узвий боғлиқлиги, кетма-кетлиги кузатилади. Бундан ташқари, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси билан ҳам кўпгина масалаларда келишиб ишлаймиз. Чунки институтимизни битирган талабалар ушбу компаниянинг марказ ва бўлимларида ишлашади, ўз амалиётларини ўташади. Босқичма-босқич қаралганда, талабалар амалиёти ҳам бизда фарқланади. 1-курсда танишув, 2-курсда монтаж, 3-курсда корхона, 4-курсда эса битирув амалиётлари ўталади.

Ишчи ўқув дастурларига бу ўқув йилидан бошлаб талаба танлов фанларининг киритилиши янгилик бўлди. Кўпинча кузатиляптики,ёшлар замонавий рақамли тизимда ишлайдиган алоқа воситаларини ўрганишни истайдилар.

Агар олий ўқув юртлари илмий тадқиқотларнинг бошланғич нуқтаси деб қараладиган бўлса, аслида бунга ҳам кафедраларда замин яратилади. Институтимизда асосан, 4 та кафедрада илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу тадқиқотлар хўжалик шартномаси асосида амалга оширилади. 2001-2002 ўқув йилида 27 та хўжалик шартномаси асосида 17 миллиондан зиёдроқ суммадаги ишлар бажарилиши кўзда тутилган.

Профессор Меликов раҳбарлигида «Кўп электродли кавшарлагичлар ёрдамида емирилган жуфт ғилдиракларни металл билан қоплаш услуби» устида иш олиб борилиб, ФТДҚ томонидан бунга грант ажратилди. Шунингдек, академик Глушенко раҳбарлигида 2 та илмий йўналиш ҳам ўз ечимини топди.

Хўжалик шартномаларидан ташқари,бошқа кафедраларда ҳам илмий изланишлар олиб бориляпти. 14 нафар тадқиқотчилар орасида аспирант ва докторантлар бор. Умуман олганда, ДАТК билан институтимиз ҳамиша ҳамкордир. Компания темир йўл соҳасида вужудга келган муаммоларни институтимиз олимларига тақдим этади. Мавзу янада чуқурлашганда, магистрантлар, аспирантлар ўрганишлари мумкин.

Албатта, янги педагогик технологияларнинг жорий этилиши ҳам кафедралар гарданига тушади. Рейтинг тизимининг баъзи факультетларда компютер ёрдамида ўтказилиши катта қулайлик яратди. 3 та компьютер марказига эгамиз. Профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган маъруза матнлари компьютерга киритилган. «Электр алоқа ва радио» кафедраси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган ўргатувчи дастурий ўйинлар маълум тамойилларга асосланган бўлиб, талабаларда фанга нисбатан қизиқишни кучайтирмоқда. Дастур эса талабаларнинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда тузилади. Талаба биринчи саволга жавоб бериши билан иккинчи ва учинчисига ўтаверади, жавобининг баллари экранда акс этаверади. Бирор мавзу бўйича саволларга жавоб бериш натижасида талаба 56 фоиз ўтиш балини йиғиши лозим. Биринчи навбатда талабага фан бўйича сўров тестларига жавоб бериш тавсия этилади. Тест 15-20 дақиқага мўлжалланган бўлиб, талабанинг маълум фандан билим даражасини аниқлайди.

Дарслик, ўқув қўлланмаси, маъруза матнлари бўйича факультет услубий кенгаши ишламоқда. Улар институт илмий-услубий кенгашига бўйсунади. Таълим жараёнини ўқув адабиётлари билан таъминлаш мақтанарли даражада бўлмаса ҳам, бир талай ишлар қилинди. 2001 йилда 3 та дарслик, 8 та ўқув қўлланмаси, 121 та ўқув-услубий кўрсатмалар чоп этилди.

Кафедраларда ишловчи 189 нафар асосий штатдаги мураббийлардан ташқари, ўриндошлик билан ишлайдиганларнинг иш натижалари ҳам ҳар семестрда балл орқали якунланади. Бунда уларнинг соф педагогик жараёндан ташқаридаги изланишлари ҳам ҳисобга олиниб, 20-30 фоизгача қўшимча ҳақ тўланади. «Энг яхши талаба»дан тортиб «Энг яхши профессор» танловларида голибларнинг тақдирланиши ўзгаларда ҳам ҳавас-иштиёқ уйғотмоқда.

Кафедралар таълим учун, таълим кафедралар учун, деган тамойил нуқтаи назаридан қаралса, кеча амалга оширилган иш бугун эмас, эртага «мева» беради. Демак, бу «мева» жамиятга кўпроқ манфаат келтириши учун кафедралар бугуннинг талаби билан нафас олиши ва эртани кўра билиши керак.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА
ёзиб олди

ДОНОЛАР ҲИКМАТИ — УМРИМИЗ ЗИЙНАТИ

Йил якунида республикамизнинг кўпгина вилоятларида "Маърифат" кунлари бўлиб ўтди. Таҳририят ўқитувчиларнинг истак ва таклифларини ўрганиб, янги рукнлар ташкил этишни лозим топди. Шундай рукнлардан бирини "Тарбиявий соатларда" деб номладик. Унда ибратли ҳикоятлар, ривоятлар ва шеърий парчалар бериб боришни ният қилдик. Ўйлаймизки, синф раҳбарлари бу матнлардан фойдаланиб борадилар.

ҲИКОЯТ

Бир бадавий араб мусулмонлар амири ҳазрати Али қаршисига келиб, индамай ўтираверди. Қашшоқлик ва хорлик, гадолик ва зорлик аломатлари чеҳрасидан намоён эрди.

— Менга нима ҳожатинг тушди, — деб сўради ундан ҳазрати амир.

Бадавий тилга олишга уялган сўзини ерга чизиб: "Қашшоқман" деб ёзиб қўйди.

Ҳазрат амир унга икки бўлак мато берди. Унинг бундан бошқа ҳеч нимаси йўқ эди.

Бадавий ўрнидан туриб, бир бўлак матога танасини ўради, иккинчисини бошига салла қилиб олди ва бу ҳолатига мувофиқ фасоҳат ва балоғатда баркамол бир неча байтни филбадиҳа (тайёргарликсиз, ҳозиржавоблик билан ижод этиб шеър ўқиш) ўқиди. Шеърлар ҳазрати амирга ниҳоятда маъқул тушди. Мўминлар амири Ҳасан ва мўминлар амири Ҳусан... шаҳзодалар ҳақи бўлган уч динор пул ул кишининг олдиларида эди, шуларни ҳам бадавийга инъом қилиб юбордилар.

Бадавий пулни олиб:

— Эй мўминлар амири, мени уруғингдаги энг бадавлат киши қилиб қўйдинг, — деди ва чиқиб кетди.

Карамли амир деди:

— Мен ҳазрати пайғамбар, саллоллоҳу алайҳи вассаллəмдан эшитган эдимки. "Ҳар бир кишининг қадру қиммати унинг феълу камоли ва сўзлари жамоли билан ўлчанади".

ҲИКОЯТ

Искандар бир билимдон кишини шарафли ва баланд амалидан бекор қилиб, паст бир ишга тайинлади. Бир куни у Искандар ҳузурига келганда:

— Қалай, янги амалинг ёқдими? — деб сўради шоҳ.

— Подшонинг умрлари узоқ бўлсин, — деди ул киши, — одам амали билан шарафли эмас, амал инсон билан шарафга эга бўлади. Ҳар бир ишда ҳам хушбиатлик, адолат ва инсоф лозим.

Бу гап Искандарга маъқул тушди ва уни ўз жойига қайтарди.

Баланд мансаб тепасида ҳам,

Илм оширмоқ фикрин қил ҳар дам.

Мансаб билан баландмас одам,

Мансаб одам билан муҳтарам.

(Абдураҳмон Жомий,
"Баҳористон"дан,
Ш.Шомуҳамедов таржимаси)

Tarbiyaviy soatlarda

ҲИКОЯТ

Навоий Ҳусайн Бойқаро саройида бош вазир экан. Кунлардан бир кун Бойқаро саройга кириб келаётиб Навоийга қарабди-да, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатибди. Шунда Навоий тилини чиқариб қўйибди. Подшо бошини маъқуллаганнамо чайқабди. Вазирлар Навоийдан бу имо-ишорасининг мазмунини сўрабдилар. Навоий шундай жавоб берибди:

— Ҳукмдор бошга балони нима келтиради? — деб сўради. Мен бошга балони тил келтиради, дедим.

(Малик Муродовнинг
"Олтин сандиқ очилди"
китобидан)

ЧОЛ ВА ЧУМЧУҚ

Фойдали масаллардан бирида шундай дейилган:

Бир чол чумчуқ тутиб олибди. Шунда чумчуқ ҳалиги кишига:

— Мени нима қилмоқчисан? — дебди.

— Сўйиб емоқчиман, — дебди чол.

— Мен билан тўймайсан, — дебди чумчуқ чолга қараб, — чунки мен сенга ярим луқмадан ҳам ортмайман. Бордию сен мени қўйиб юборсанг, сенга учта ҳикматли сўз айтаман, унга амал қилсанг катта фойда кўрасан.

Чумчуқ айтган фикр чолга маъқул тушди.

— Қани ўша ҳикматли сўзларингни айт-чи, — дебди чол.

Чумчуқ чолга дебди:

— Ўтган ишга ҳеч қачон пушаймон қилма, қўлга киритишинг мумкин бўлмаган нарсага ҳаракат қилма, ақлинг бовар қилмайдиган ишга ҳеч ҳам ишонма.

— Буни ейишдан кўра айтганини қилсам яхшироқ эмасми? — дебди чол ва чумчуқни қўйиб юборибди. Чумчуқ учиб бориб деворга қўнибди.

— Агар ўз айтганингда қаттиқ туриб, мени сўйиб еганингда ичимдан каптар тухумидай бир марварид чиқарди, — дебди чумчуқ чолга.

Чол уни қўйиб юборганига пушаймон бўлибди ва чумчуқни қафасга солмоқчи бўлиб дебди:

— Кел, қафасда сенга симсим кунжут уруғини тозалаб, муздек сув ҳам тайёрлаб қўйибман.

Чумчуқ чолга қараб шундай дебди:

— Эй одам боласи, сен мени сўёлмадинг ҳам, еёлмадинг ҳам, ҳатто мен айтган гапга амал қилолмадинг ҳам. Сен мени қўйиб юборганингга ачинаяпсан. Энди мени ўз жойимга қайтармоқчи бўлаяпсан, лекин бу иш қўлингдан келмайди. Ундан кейин ўйлаб ҳам кўрмадинг, бутун гавдам каптар тухумидек келмайди-ку, жиғилдоним қандай қилиб ўз гавдамдан катта нарсани сиғдира олади?

Чумчуқ шундай деб учиб кетибди.

(Абу Райҳон Беруний,
"Феруза"дан)

Тўпловчи: Маҳмуда ЗОИРХОН қизи

Маълумки, ҳар бир миллатнинг, ҳар бир мамлакатнинг бугунги кундаги салоҳиятини, дунё давлатлари ўртасидаги ўрнини унинг шонли тарихи ва унга даҳлдор бўлган аждодларнинг бой мероси белгилайди. Шу маънода Ўзбекистонимиз мустақиликка эришгач, қўлга киритган энг ноёб неъматларимиздан бири ҳам тарихимизни холисона ўрганиш, аждодларимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган оламшумул ҳиссаларини юзага чиқариш ва шу орқали ўзлигимизни англашга имконият яратилганлигидир. "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ҳам айнан шу мақсадга хизмат қиладиган энг бой манбалардан бири бўлиб қолади.

"Энциклопедиямизнинг асосий вазифаси — аввало, Ўзбекистоннинг буюк тарихи, бетакрор маданиятини, улуғ мутафаккир ва алломаларимизнинг умумбашарият тараққиётига қўшган беқиёс ҳиссасини, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон деб аталган гўзал юртнинг ўзига хос ва ўзига мос қиёфасини, Ватанимизнинг табиий-иқтисодий ва маънавий салоҳиятини, энг катта ва ноёб бойлигимиз бўлмиш мана шу муқаддас заминда яшаб ўтган ва яшаётган одамларнинг ибратли фаолиятини бутун дунёга намойиш этишдир", деди Юртбошимиз Ислом Каримов "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" ўқувчиларига йўллаган мактубида. Дарҳақиқат, ушбу китоб ҳар бир ватандошимиз учун қадрли ҳамда керакли нашрлардан биридир. Айниқса, уни ўқувчию талабларнинг ўқиб-ўрганиши келажакда уларнинг ўз ватани фидойилари, аждодлари ишларининг муносиб давомчилари бўлиб вояга етишларида жуда асқотади. Шу боис ҳозирда икки томи чиқиб бўлган (ўн икки томдан иборат бўлиши мўлжалланмоқда) "Ўзбекистон миллий энциклопедияси"дан бевосита юртимиз тарихи, унинг ҳуқуқлари, моддий бойликлари ҳамда аждодларимиз маънавий меросига тааллуқли мақолаларни газетамизнинг ҳар чоршанба кунги сонларида янги ўзбек алифбосига ўгириб бериб боришга қарор қилдик.

Марҳамат танишинг!

ГЎЗАЛ ЮРТНИНГ ЎЗИГА ХОС, ЎЗИГА МОС ҚИЁФАСИ

ЎЙИНЧОҚЛАРИ МЎЛ МАСКАН

Чирокчи тумани ХТБга қарашли 3-сон "Лола" мактабгача таълим муассасасида атиги 55 нафар бола тарбияланади. Уларни тарбиячилар — Ҳалима Кувватова, Нодира Муродова ва Шоҳиста Жумағуловалар тарбиялашмоқда. Мудира Насиба Зиёдова бошлиқ ушбу тарбиячилар ўйинчоқлар ясаб, ҳар хил материаллар кийдириб эртак қаҳрамонлари, қўғирчоқлар, машиналар, шунга ўхшаш 250 га яқин ўйинчоқлар яратишибди. Ўйинчоқлар сифатли, нафис ишланганлиги билан кишини лол қолдиради. Ҳар бир ўйинчоқда миллий анъаналар ўз аксини топган.

Масканда учта гуруҳ бўлиб, ҳар бир гуруҳда маънавият, соғлом авлод бурчаклари, миллий ғоя, миллий мафкура альбомлари, боғча ҳаётидан дарак берувчи фотосуратлар тайёрланган.

— Масканимиз қошида "Гунча" ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда, шу ансамбль орқали оз-моз маблағ топиб, боғчамизга керакли нарсалар сотиб оламиз. Ҳокимлик ёки ХТБ томонидан қачон ёрдам беришар экан, деб кутиб ўтирмаймиз. Тўшалган гиламларни ҳам ўзимиз қўлда тўқиганмиз, — дейди мудира Насиба Зиёдова.

Ҳа, ушбу болалар масканида "Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик" мақолига амал қилиниб, ҳамма ишлар жуда яхши ташкил қилинганлиги кўриниб турибди.

Бурхон РИЗОҚУЛОВ
Суратларда: ушбу маскан ҳаётидан лавҳалар.

ABADIY DVIGATEL *(lot. Perpetuum mobile) — bir marta harakatga solib yuborilgandan keyin cheksiz uzoq vaqt o'z-o'zidan ish bajara oladi, deb faraz qilingan mashina. Energiyaning saqlanish qonuni kashf etilmasdan oldin asrlar davomida odamlar*



sarflangan energiyadan ko'proq ish bajarishga imkon beradigan mashinani yaratishga urinib keldilar. Bunday mashinaga xatto «A. a.» deb nom ham berilgan. A.d.ning turli-tuman loyihalari taklif qilingan, lekin, A.d. qurish mumkin ekanligini tabiatning asosiy qonunlari uzil-kesil inkor qiladi. Tashqaridan energiya olmay, o'z-o'zidan ish bajara oluvchi mashina shartli ravishda birinchi tur A.d. deyiladi. Energiyaning saqlanish va bir turdan ikkinchi turga aylanish qonuniga asosan har qanday ish faqat energiya hisobiga bajariladi. Shuning uchun bunday A.d.ning bo'lishi mumkin emas. Taklif qilingan ko'pchilik A.d. loyihalarida og'irlik kuchi ta'siriga umid qilinadi. Shunday loyihalardan biri rasmda ko'rsatilgan. Unda zalvar massa (zoldir) berk yo'lda harakatlanadi. Bunda zoldir pastga tushganda uni yuqoriga ko'tarish uchun sarflangan ish miqdoriga teng ish qaytadi. Shuning uchun bunday mexanizm sarflangan dastlabki energiya zaxirasi hisobiga ishlaydi. Bu zaxira tugagach, mexanizm ham to'xtaydi.

Jismni sovita borib, uning issiqligini to'lato'kis ishga aylantiruvchi mashina (issiqlik mashinasi) shartli ravishda ikkinchi tur A.d. deyiladi. Bunday A.d. energiyaning saqlanish va bir turdan ikkinchi turga aylanish qonuniga zid kelmaydi. Lekin biror manba (mas., okeanlar, atmosfera)dagi issiqlikni butunlay ishga aylantiruvchi tabiiy jarayon mavjud emas. Shuning uchun termodinamikaning ikkinchi qonuniga asosan bunday A.d. ham bo'lishi mumkin emas. A.d.larni yasash mumkin emasligi materiya va harakatning haqiqatan abadiy ekanligidan, tabiat hodisalarining muayyan qonunlar asosida rivojlanib turishidan darak beradi.

ABBOS BAHODUR, *Abbos bahodur qipchoq, Abbosbek (?-1387) — Amir Temurning safdoshi, yirik lashkarboshi.Jeta mo'g'ullariga qarshi kurashda faol qatnashgan. A. B.Jangi loyda Amir Temur cherikining qanbulida (markazida) turib, katta jasorat ko'rsatgan. 1370 y. amir Husayn bilan bo'lgan so'nggi jangda Amir Temur tarafida jang qilib, ko'p bahodirlik ko'rsatgan. 1370 y. 9 aprelda amir Husayn ustidan to'la g'alabaga erishilgach, Amir Temur A.B.ga boshqa yirik lashkarboshilari qatorida amiri lashkar (cherik begi) harbiy unvonini bergan.*

A.B.ning yoshi Sohibqironga nisbatan ulug'roq bo'lgan bo'lsa kerak, chunki u 1385 y.gacha bo'lgan harbiy yurishlarda faol qatnashib, shu yildan e'tiboran ko'proq o'g'ruqda qoldirilgan. Xususan, u 1386 yil boshlangan «uch yillik yurishda» ishtirok etmay, Samarqandda «Movarounnahr viloyatining zabti uchun» qoldirilgan. 1387 yil oxirida To'xtamishxon Movarounnahrga bostirib kelganida u bilan O'trordan 5 km. sharqroqda joylashgan Chukalak mavzeida bo'lgan jangda yarador bo'lib, vafot etgan.

«АВЕСТО» КИТОБИ ВА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

ЮНЕСКОнинг махсус қарори ва унинг асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 29 март қарори билан яқиндагина ўлкамизда оламшумул тадбирлар, тантаналар ва нуфузли илмий анжуман бўлиб ўтди.

Инсониятнинг маънавий камолотига улкан ҳисса бўлиб қўшилган «Авесто» китоби бир замонларда Ваҳви - Даития - Ардви - Амударё бўйларидан, Хоразм элидан бошлаб, Сўғд, Марғиёна, Бақтрия, Эрону Озарбойжон ва жумла жаҳон кезиб кетган, неча-неча ўлкаларнинг халқларини ўзининг эзгу ғоялари билан маънан юксалтирган илк ҳаёт қомусимиз бугун ўз она заминига қайтиб келганини идрок этмоқ беихтиёр ҳаяжонлидир.

«Авесто»нинг «қайтиши», жиддий ўйлаб кўрсак, маънавий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг таъбирлари билан айтганда, «Бу нодир китоб бундан XXX аср муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий-тарихий меросидир».

Қувонарлиси шуки, яқин ўтмишда «Авесто» китоби ҳақида «зардуштийларнинг китоби» - дейишдан бошқа тасаввурга эга бўлмаган халқимиз узоқ аждодларимизнинг буюк ҳикматларидан қайта баҳраманд бўлмоқдалар. Қолаверса, истиқлолимиз шарофати туфайли ўзлигимизни таниш жараёнининг маъно ва мазмун кўлами йилдан-йилга чуқурлашмоқда, кенгайиб бормоқда.

2700 йиллик тўйи муносабати билан «Авесто»нинг ўзбек тилига таржималари пайдо бўлди.

Н.Маллаев, А. Қаюмов каби олимларимиз томонидан ўтган аср ўрталарида бошланган ўзбек авестошунослиги ўз атрофига янги-янги олимларни тўпламоқда. «Авесто» ҳақида газета ва журналларда қатор мақолалар, рисолалар пайдо бўлмоқда. Эндиги вазифа «Авесто» тадқиқотларининг назарий асосларини дунё авестошунослиги эришган даражаларга етказиш, бу йўналишда рўй бериб келган юзаки баёнчиликка, ёндашувдаги бирёқламаликларга барҳам бериш, айниқса Ўрта Осиёда яшаб келаётган халқлар учун бу ноёб дурдонанинг муштараклигини тушунтириш, умумбашарий моҳиятини чуқур ўрганиш ва тарғиб қилиш, унинг илмий таҳлил ва талқинларини яратиш, изоҳли нашрларини оммабоп арзон нархлар билан кўпайтириш кабилардан иборатдир. Бинобарин, «Авесто» китоби — халқимизнинг тарихий, маънавий мулки. Унинг «эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал» каби уч ҳаётий ахлоқий негизи умуминсоний эзгулик фалсафасининг абадий сўнмас ифодасидир».

«Авесто» китоби пайдо бўлган замонларда ўлкамизда бронза асри сўнгги босқичига кирган, илк темир даври билан боғлиқ ишлаб чиқарувчи кучлар жадал ривожланаётган, катта-катта воҳаларда давлатчилик асослари юзага келаётган эди. Илк кўргон шаҳарларидан воҳа ва ҳудудий давлат уюшмаларининг пойтахтлари бўлмиш йирик шаҳарлар қуришга ўтилаётган, Кўктепа, Афросиёб, Узунқир, Ерқўрғон каби йирик урбанистик (шаҳарсозлик) марказлари вужудга келаётган эди. Айни шу босқичда «Авесто» китоби уруғ-қабилалар, элу элатлар ўртасидаги низоларга чек қўйиб, жамиятнинг бошини Давлат атрофида қовуштириш каби илғор ғоялар билан юзага келди. "Авесто" айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди» (Ислом Каримов). Бу китоб дунёнинг ягоналиги ва эзгулик учун яратилганлигини одамлар онгига илк бор етказди.

Инсон эса яхши ниятга қаратилган эзгу амаллари билан, айниқса, яратувчи меҳнати билан эзгу дунёга ривожу равнақ беришга масъул қилинган. Чиндан ҳам бу китобда тасвирланишича, худо яратган дунёда дастлабки уч минг йил давомида ёвузлик, касаллик, ўлим, зулмат, қабоҳат, разолат, ёлғон кабилар, ёмонлик келтирувчи жонзотлар бўлмаган. Булар ҳаммаси ҳасад, гараз, жаҳолат, бахиллик туфайли абадий зулмат дунёсига чўкиб кетган, ёвузлик руҳи Ахриман томонидан яратилиб, айни унинг бахиллиги туфайли эзгу дунё билан қориштириб юборилган. Инсониятнинг руҳий покланиши ҳамда фаол эзгу амалларгина бу дунёни яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги қоришиқликдан поклайди. Бу эса эзгуликка хизмат қилиш орқали рўй беради. Ҳалол меҳнат, қалб, руҳ ва таннинг тозалигию соғломлигига интилиш, табиатнинг покизалигини асраш, она ерни ардоқлаш, оила, жамоа, эл-юрт олдидаги бурчни тўла адо этиш, адолат ва ҳақиқат йўлида собитқадамлик, дил ва тил бирлиги, ваъда вафо — хуллас «Авесто»нинг моддийлик ва руҳиятни мувозанатда тутишга қаратилган эзгу ғояларини санаб охирига етиш қийин.

Бугунги кунда биз учун муҳим масала шуки, «Авесто» китобининг жамиятимиз маънавий камолотига бевосита хизмат қилувчи ғояларини кенг тарғиб қилишимиз лозим. Зеро, «Авесто» устида тадқиқотлардан мақсад ҳам шу. Агар «Авесто»да ерни муқаддас деб, унга ишлов бериш суюкли ёрни эркалашдек таърифланса, сувни эъзозлаб, унинг покизалигига путур етказиш қораланса, ҳавонинг мусаффолиги бош қоида даражасига кўтарилса, хонадон, эл-юрт фаровонлигининг рамзи, қуёшнинг ердаги порлоқ ифодаси, ёниб турган ўт инсоннинг илоҳига қилган илтижоларини етказувчи восита деб азиз тутилса — буларнинг барчаси аждодларимизнинг аниқ ифодаланган ҳаёт фалсафаси эмасми? Бу фалсафа ўзининг рўйи ростлиги, мавҳум шакллар беролмагани билан янада жозибалидир.

Бугун халқимиз ўзининг узоқ ўтмишига назар ташлаш, маънавияти ва тафаккур тарзи, миллий ўзини англаши билан боғлиқ қадимий илдизларини идрок этиш босқичига кирди. Бу жараён учун республикамизда барча шароитлар мавжуд. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ». «Авесто» китоби тарихий хотирамизнинг илк сарчашмасидир. Шундан келиб чиқиб, жиддий бир таклифни ўртага қўйишни ният қилдик. Бу ҳам бўлса, Ўзбекистон таълим тизимининг барча бўғинларида тарихий ва маънавий меросимиз — «Авесто» ғояларини ўқув жараёнига киритишдир. Тошкент Давлат Педагогика университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти тарих факультетларида ўқилаётган «Авесто» ҳақидаги махсус курслар тажрибаси талабаларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

«Авесто» юбилейи муносабати билан Республикамизнинг кўплаб олий, ўрта махсус, ўрта таълим муассасаларида ўтказиб келинаётган илмий-амалий тадбирлар ҳам ёшларимизнинг бу ноёб ёдгорлигимизга бўлган қизғин муносабатидан далолат бермоқда.

«Авесто» дарслари мазмун-эътибори билан тарихий манбашунослик, адабий-бадиий таҳлил, ахлоқий-фалсафий талқинлар каби бир неча йўналишни бирлаштириши мумкин. Чунки «Авесто» яратилган замонларда билимлар таснифи этилмагани сабабли ушбу ноёб меросимиз энциклопедик руҳ билан суғорилган.

Мазмун соҳалари бўйича «Авесто» дарсларига мактабларда тарих, адабиёт, маънавият ўқитувчилари кучларини бирлаштириш, бунинг учун эса қўшимча ўқув дастури яратиш маъқулдир. Жумладан, унда:

1. «Авесто» китоби яратилган даврнинг тарихий шарт-шароитлари;

2. «Авесто» илк давлатчилигимиз тарихининг ёзма ёдгорлиги;

3. «Авесто» китобининг таркиби ва етиб келган қисмлари;

4. «Авесто» китобида акс этган аждодларимизнинг зардуштийлик диний дунёқарашининг моҳияти. Яхшилик ва ёмонлик ўртасида кураш ва яхшиликнинг муқаррар ғалабаси ғояси;

5. «Авесто»да ҳақиқат ва ёлғон умумлашма образлари. Қарама-қаршиликлар кураши, ҳақиқат ва яхшиликнинг ғалабаси учун инсоннинг масъул қилинганлиги;

6. «Авесто»да меҳнат ва яратувчилик ғояси;

7. «Авесто»да ахлоқий ва жисмоний поклик масаласи;

8. «Авесто» китобида ҳуқуқий масалалар;

9. «Авесто»да Ахура Мазда ва эзгу маъбудлар тизими. Уларнинг ёвузликка қарши кураши;

10. Ахриман — ёвузлик руҳи ва унинг сафдошлари;

11. «Авесто»нинг асотирий ҳамда тарихий образлари ва уларнинг бадиий ифодаси;

12. Ўлкамизда яратилган илк ёзма адабий мерос сифатида «Авесто»нинг адабиёт тараққиётига кўрсатган таъсири каби масалалар қамраб олинса ва мактаб меъёрларига мос соатларда акс эттирилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

«Авесто» дарсларини ташкил этиш, шубҳасиз, муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради. Биринчи галда, ўқув материаллари масаласини эътиборга олиш лозим. «Авесто» ҳақидаги мақола ва рисолалардан ёрдамчи материал сифатида фойдаланган ҳолда тезлик билан "Авесто" саҳифалари" номи остида ўқув қўлланма тайёрлаш зарур деб ўйлаймиз. «Авесто»нинг таржима нашрлари эса амалий машғулотлар учун асос қилиб олиниши мумкин.

Мирсодиқ ИСҲОҚОВ,
тарих фанлари доктори

Фарзанд камолотини кўзлаган ота бу вақтда фарзандига имкон даражасида ақлу одоб ҳам бермоғи керак. Зеро, ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқу одобдан ўзга буюкроқ мерос беролмайди.

Зеро, ушбу ҳаракатлар самараси ўлароқ, мактабни тамомлаб ўқув юртларига борганда ҳам болада ўз ташкилотчилик фаолиятини бемалол давом эттириш учун замин ҳозирланади.

ТАЖРИБАНГИЗДА СИНАБ КЎРИНГ

Маълумки, ёш болаларни ўқиш ва ёзишга ўргатишда кўргазмали қуролнинг аҳамияти бениҳоя катта.

Бу айниқса, биринчи синфларда жуда керак бўлади. Ёш болаларнинг ҳарф ва товушларни тез ёдда сақлаб қолишлари учун ўз иш фаолиятимда қўллаётган бир кўргазмали қурол билан сизларни таништирмоқчиман. Биламизки, кирилл алифбосида икки товушни бир ҳарф ифода этгани боис, кўпчилик болалар бу ҳарф иштирок этган сўзларда имло хатоларига йўл қўяр эдилар. Лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувида ушбу мушкуллик бартараф этилди. Энди биз ўқувчиларга ана шу ҳарф бирикмалари орқали ҳосил бўладиган товушларни мукаммал ўргатмоғимиз лозим. Бу товушлар — (ой)-оу, (ай)-ау, (эй)-еу, (уй)-иу лардир, ёки уларнинг тескариси (йо)-уо, (йа)-уа, (йэ)-уе, (йу)-уи. Албатта ўқувчилар ҳарфларнинг ўрни алмашиши билан товушларнинг ўзгариб кетишларини ёдда сақлашлари бироз мушкул.

Ана шу қийинчиликни бартараф этиш учун мен қуйидаги ҳаракатли кўргазмали қуролдан фойдаланмоқдаман, самара эса кутилганидек. Бунинг учун сиз бир дона оқ формат (ватман) қоғозини оласиз. Қоғознинг биринчи бўлагига қуйидаги сўзларни ёзасиз: oyi, oymomo, Oygul, aya, aylana, laylak, ey, keyin, uy, Uyg'un, aya, kuy, uya. Сўнгра эса ўртасига "Y" ҳарфини ёзасиз.

Қоғознинг иккинчи тарафига yoz, yolg'on, Yorqin. Yana, yaxshi, Yanvar, yelkan, yet, ye, yetti, yulduz, Yunus ва yuz сўзларини ёзиб қўясиз.

Қоғоз ўртасидаги "Y" ҳарфининг икки ёнидан 5 см бўш жой қолдирасиз ва "у" ҳарфи баландлигида иккала тарафини ҳам қирқасиз. Қирқилган жойлардан ўтиши мумкин даражада қоғоз қирқиб, унга о, а, е, и ҳарфларини ёзиб чиқасиз. Бу ҳарфлар тасмаси икки дона тайёрланиб қирқилган жойлардан ўтказилади. Қирқилган қоғозларингизнинг орқа тарафига ёпишқоқ плёнка (скоч) ёпиштирсангиз, бу ўша қоғоз қирқимининг осон айланишига ёрдам беради. Қарабсизки, ҳаракатланувчи кўргазмали қурол тайёр ва ундан 8 та товушни ўргатишда фойдаланишимиз мумкин. Агар сўз қаторларини тўрт хил рангда ажратиб ёзсангиз, барча болалар бу товуш бирикмаларини осонгина ўзлаштириб оладилар.

Насиба АЗИЗОВА,
Оқолтин туманидаги А.Маматов номли 22-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Maktabgacha ta'lim

БОЛА МЕҲРГА ЧАНҚОҚ

Сиз болага бирор нарсани ўргатмоқчимисиз? Ундай бўлса, бу ишни имкон қадар унга сездирмасдан бажаринг. "Кел, мен сенга санашни ўргатиб қўяман", ёки "Мен сенга шеър ёдлатиб қўяман" қабилидаги ошкор даъватга болангиз ёки тарбияланувчингиз рад жавобини берса, ёки олдингиздан қочиб кетса, ҳеч ажабланманг. Сиз болага ақл ўргатмоқчилигингизни сездириб қўйдингиз. Шунинг учун ҳам, у сизнинг ёрдамингизни рад этди.

Болалар учун жуда содда бир ўйин бор. Уни кўпчилик билса керак. Бармоқ билан ёш боланинг ўнг ва чап юзларига, пешонаси ва жағига секин тегиниб, "Болалар", "қочинглар", "машина", "келяпти" деб ва бурунчасига секин тегиниб, "биибб" дея "сигнал" берилса, бола қийқириб кулади. Ва, энг муҳими шу сўзларни завқ билан ўзи ҳам тинмай такрорлайди. Оддий ўйин. Лекин, бу билан бола бир йўла тўртта сўз ўрганади, машина келаётганда ва сигнал чалганда қочиш кераклиги ҳақида маълумот олади. Бунинг барчасига бир неча қувноқ дақиқа керак бўлади, холос. Энди шу вазифани ўқитиш, насиҳат қилиш усули билан бажармоқчи бўлсангиз, неча кун керак бўлади?

Кичик ёшли болаларни тарбиялашда билимдан ҳам муҳимроқ — фазилатлар меҳрибонлик ва софдиллик, бағрикенглик ва топқирлик зарур бўлади. Агар, тарбиячида шу каби фазилатлар бўлмас экан, ҳар қанча ўқиб — ўрганмоқ билан бу кемтикни тўлғазиб бўлмайди. Шу маънода боғча тарбиячиларини танлашда биринчи галда уларнинг инсоний хусусиятларини ўрганмоқ муҳим. Агарда тарбиячида завқланиш, таъсирланиш туйғуси ҳам ривожланган бўлса, боланинг ютуқларини илғаши ва рағбатлантириши осон бўлади. Мактабгача бўлган ёшдаги болалар учун эса бу жуда муҳимдир. Улар ҳар бир ҳаракатларини атрофдагилар, айниқса, катталар тасдиғидан ўтказиб олишга жуда ҳам чанқоқ бўладилар.

Шу сабабли боланинг ҳар бир ижобий ҳаракатини, яхши амалини албатта рағбатлантириш шарт. Бу эса унга миннатдор нигоҳ ташлаш шаклида ҳам амалга оширилиши мумкин. "Шу ишинг жуда яхши", "Яша", "Тўғри қилдинг" деган бир оғиз сўз ҳам бўлиши мумкин. Лекин зинҳор эътиборсиз қолдирмаслик керак. Шунингдек, бола номаъқул иш ё ҳаракат қилганида ҳам ҳеч қачон унинг шахсини ҳақорат қилиш ярамайди. "Сен ахмоқсан", "Одам бўлмайсан" деб уришиш ёки ўртоқлари орасида болани кулги қилиш унинг қалбида сизга нисбатан салбий муносабат туғдиради. Ва ўшанинг таъсири ўлароқ бола ўз хатосини унутади ёки уни яна такрорлаши мумкин.

Бола хато қилганда қизишмасдан, секин ётиғи билан қилган ишининг нотўғри эканлигини унга тушунтирмоқ керак. Бунда аввал унинг "яхши бола" эканлигини таъкидлаш, шундан сўнг қилган хатосини тушунтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Янглишганда фарзандни калтаклаш мутлақо ярамайди. Калтаклаш фарзанднинг қалбидаги нозик туйғуларни сўндириб, уни шафқатсиз, бефарқ ва лоқайд қилиб қўяди. Энди унга ҳар қандай тўғри сўз таъсир қилмайди ва бу йўлда бола ёлғон гапиришдан ҳам қайтмайди. Аста-секинлик билан у ва тарбиячи орасида қалин ёлғон пардаси юзага келади. Бунинг оқибатида бола сизга ҳеч қачон кўнглини очиб гапирмайдиган бўлиб қолади.

Фарзанд билан шундай муносабатда бўлиш керакки, токи у сизга ишонсин, сизга суянсин. Билмаган нарсасини сиздан бемалол сўрай олсин. Ўзини ташвишга солган муаммоларни сиз билан бемалол муҳокама қила олсин. Сиз эса унинг сирларини бировга очманг, ишониб айтган гапларини ўзгаларнинг ҳузурида муҳокама қилманг. Иложи борича бола билан сирдош бўлишга ҳаракат қилинг. Шу нарсага ишончингиз комил бўлсинки, агар боланинг қалбига йўл топа олмас экансиз, унга таъсирингизни ўтказа олмайсиз. Ёш мурғакнинг қалбига йўл топиш учун эса сиздан сабр-бардош ва кечиримлилик, ширинсуханлик талаб қилинади. Айрим кишилар болага таъсир ўтказиш учун қўрқитишдан фойдаланмоқчи бўладилар. Ваҳимали гаплар билан юрагига қўрқув солиб, болани ўз гапларига сўзсиз бўйсунадиган қилиб олмоқчи бўладилар. Бу қандай усул? Бу ҳам ярокқсиз усуллардан биридирки, шу асосда тарбияланган бола руҳан мажруҳ бўлиб қолади. Уни бир умр мавҳум нарсалардан, қоронғуликдан қўрқадиган, юраксиз бўлиб қолиши айнан ана шу тарбия натижасидир.

Хулоса қилиб айтсак, фикримизча, болалар боғчаларига тарбиячи сифатида ишга олинаётган кишилар ҳам руҳшунос суҳбатидан ўтиши ва руҳшуноснинг шу ишга лаёқатли деб топганлиги тўғрисидаги ёзма ҳужжатнинг талаб қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Ориф ҲОЖИЕВ,
Низомий ТДПУ амалий психологлар тайёрлаш курси тингловчиси

Шукрулло Исроилов:

"ВОДИЙ АСКИЯЧИЛАРИГА БАС КЕЛОЛМАДИМ"

Ўқувчиларимиз "Мирзо" театридаги бу "ихчам" йигитни жуда яхши билишади. Унинг ўз қадди-қоматига монанд образлари ҳар бир кулгисевар киши қалбидан жой олиб улгурди. Бизнинг Ш.Исроилов билан қилган суҳбатимиз ҳам кулгули тарзда бўлиб ўтди.

— Келинг, гапни мактаб даврларини эслашдан бошлайлик. Мактабда ҳам шунақа бақувват бўлганмисиз?

— Болалигимда дўмбоққина, ёқимтойгина бўлганман. Мен 1-синфдалигимда 5—10-синфдаги болалар юзимдан тортиб, ўзларича эркалаб кетишарди. Бу менинг жаҳлимни чиқарарди. Бир куни юзимдан чўзган болани кўтараман деб, унинг устига йиқилиб тушдим. Унинг қўли синди. Шу воқеа ҳеч эсимдан чиқмайди.

— Ҳар бир кишининг қўлидан етаклаб унга яхши-ёмонни ўргатадиган устози бўлади. Сизнинг санъат соҳасидаги устозингиз ким? Мирзабек Холмедов, Валижон Шамсиевлар санъат олийгоҳини битиришган. Сиз ҳам дипломли санъаткормисиз?

— Мен 1988 йилда Маннон Уйғур номидаги санъат институтига ўқишга кирганман. Кейинчалик ўқишимни Маданият институтига ўтказдим. Шу институтни битирганимдан буён Мирзабек ака билан бирга ишлаб келяпман. Дастлаб уларнинг кассеталарини эшитиб, телевизордаги чиқишларини кўриб Мирзабек акага ихлосим тушган. Обид Асомов, Мирзабек Холмедовларни устозим деб биламан. Мана, ўшаларга ҳавас қилгандим, ниятимга етдим. Инсон ҳамиша яхши ният қилиб юриши керак экан.

San'at

— Сиз таомлар ҳақида ажойиб қўшиқлар куйлагансиз. Шу қўшиқларни яратиш ғояси кимдан чиққан?

— 1996 йилда "Пахтакор" стадионида янги йилга бағишланган концерт бўлган. Шу концертда Отабек Мадраҳимов "Ўлсам, сени дейман" қўшиғини куйлаган. Мен уни ўзимча "Овқат, сени ейман" деб хиргойи қилиб юрганман. Шунда марҳум санъаткор Муҳриддин Холиқов: "Шукур, овқат тўғрисида қўшиқ куйламайсанми?" деб қолганда, бир илҳом келди ва мен шу қўшиқни куйладим. Абдулазиз Каримовнинг "Қурбон бўламан" қўшиғидан сўнг "Оч қоламан", Равшан Собировнинг "Сен йиғлама" қўшиғидан кейин "Йиғлама қиз, чакагингни чайнама қиз" қўшиқларини оёғини осмондан қилиб куйлаб кўрдик.

— Қизиқчилик асосий касбингиз ҳисобланади. Бундан ташқари аския ҳам қилиб турасизми?

— Водий аскиячилари билан бир-икки марта аския қилганман. Аммо уларга бас келиш қийин. Аския санъати бошқа санъатларга нисбатан жуда нозик ва мураккаб. Ўзига яраша масъулиятни талаб қилади. Қизиқчиликда эса асосан актёрлик маҳорати билан бирга ҳар бир образ моҳиятига кириш муҳимроқ.

— Мухлисларимиз оилангиз ҳақида ҳам билишни исташади.

— Турмуш ўртоғим билан биргаликда икки ўғил ва бир қизни тарбиялаяпмиз. Ҳумоюн, Фарҳоджон мактаб ўқувчилари, Муштарийбегим бу йил мактабга боради.

— Қизиқарли суҳбатингиз учун раҳмат.

А.МУХТОРОВ суҳбатлашди.

УЧИНЧИ ФАСЛ

Ота-бола муносабати ҳамда фарзанд тарбияси ҳақида халқимизда ҳам, дунёдаги бошқа халқларда ҳам турли нақллару, ривоятлар кўплаб учрайди. Дунё динлари ҳисобланган ислом, насронийлик, буддавийлик, иудийлик ва ҳоказо динларда ота-она ва фарзанд муносабати ҳамда фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, ислом динида фарзанд учун энг муҳими ота-она ризолигидир.

Қуръони каримда ва ҳадиси шарифда ота-она ва фарзанд муомаласи хусусида ибратли фикрлар бор. Муборак ҳадислардан бирида жумладан шундай дейилади: "Отага итоат қилиш тангрига итоат қилишдир". Ушбу ҳадис маъносидан шу нарса ойдинлашадики, фарзанд ота олдида масъулиятни ҳис қилмоғи ҳамда ота-онани ҳеч қачон норози қилмаслиги лозим. Аммо бу ҳадисдан ота фарзандга тўғримийўқми нимани хоҳласа буюраверишимумкин экан-да, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Бу борада расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи вассаллам шундай дейди: "Фарзандинг ўнг билан чапни ажратгунча уни подшоҳ, ўзингни қул ўрнида, фарзандинг ўнг билан чапни ажратгандан сўнг уни қул, ўзингни подшоҳ ўрнида кўр. Фарзандинг балоғатга етгандан сўнг эса у билан дўстинг каби муомала қил".

Сарвари олам мана шу бир неча оғиз гап билан бир неча йиллик машаққатли фарзанд тарбиясининг дастурини тузиб берган, дейиш мумкин. Келинг, имкон даражасида ушбу ҳадисни тушунишга ҳаракат қилиб кўрайлик. "Фарзандинг ўнг билан чапни ажратгунча уни подшоҳ, ўзингни қул ўрнида кўр...". Бу жумладан шундай маънони англаш мумкин. Маълумки, гўдак иссиқ билан совуқнинг, оқ билан қоранинг, яхши билан ёмоннинг фарқига бормайди. Эмаклаб бориб чойнакни ағдариб юборгани учун гўдакни жазолаш ўтакетган жоҳил ва аҳмоқнинг иши. Демак, бундай ҳолда гўдак "подшо", яъни хоҳлаган ишини қилишдан ўзини тиёлмайди. Ота эса "қул", яъни фарзанди хархашасига чидаши ва унга нисбатан меҳр-мурувватли бўлиши керак. Ҳар нарсанинг ўз меъёри, ўз чегараси бўлгани сингари бу фаслнинг ҳам ўз вақти бор. Биринчи фасл тугаши билан ота ва фарзанд муносабатининг иккинчи фасли ота учун "подшоҳлик", фарзанд учун "қуллик" фасли бошланади. Бу фасл ҳар икки томондан ҳам, айниқса ота томонидан ниҳоятда катта масъулиятни талаб этади. Бу даврда отага қўйиладиган асосий талаб шуки, фарзандини илмли, маърифатли, маданиятли қилиши шарт. Ушбу даврда фарзанд қиёсан ҳўл новдага ўхшайди. Уни қай ҳолда эгса, ўша ҳолда эгилади. Бу борада буюк алломa Юсуф Хос Ҳожиб "Қутадғу билиг" ("Саодатга элтувчи билим") асарида шундай ёзади: "Ҳўл новда эгилар, қай ҳолда эгсанг,

Қуруқни тўғрилар фақат ўтоташ".

Ҳа, бу фасл фарзанд учун илм олиш, маънавий камолотга етиш фаслидир. Оқил ота-она бу фаслдан унумли фойдаланмоғи лозим. Фарзанд камолотини кўзлаган ота бу вақтда фарзандига имкон даражасида ақлу одоб ҳам бермоғи керак. Зеро, ҳеч бир ота-она ўз фарзандига хулқу одобдан ўзга буюкроқ мерос беролмайди. Ушбу фаслдан сўнг кириб келгувчи сўнгги фасл фарзанд балоғатга етгандан сўнг бошланади. Бу даврдаги ота ва фарзанд ҳолати ҳақида расулуллоҳ ўз каломининг сўнги сўзларини айтади. "Фарзандинг балоғатга етгандан сўнг дўстинг каби муомала қил". Мана шу бир неча оғиз сўз ота-она ва фарзандлар ўртасидаги тотувлик гаровидир. Бу фаслда фарзанд балоғатга етган, анча-мунча нарсанинг фарқига етадиган ёшда ҳисобланади. Энди уни ёш бола кўриб, тўғри ва нотўғри ҳисобланган ишни буюраверишь, уни ҳамон иккинчи фаслда дея хаёл қилиш ярамайди. Агар ота томонидан шундай ҳолат содир бўлса, бу тарбияга зид нарсадир. Айнан отанинг шу ҳаракати туфайли фарзанд қалбида отага нисбатан норозилик туғилиши мумкин. Ҳар қандай зийрак ота-она бу даврни дарров илғаб олмоғи ва фарзанди билан бамаслаҳат иш олиб бормоғи лозим. Бу ҳолат фарзандга яна бир қанча ижобий хислатларни туҳфа этадики, булар охироқибатда фарзанд-да ўз кучига нисбатан ишонч туйғусининг шаклланиши, мустақил ҳаётга қадам босиш муваффақияти ҳамда боқимандалик кайфиятининг йўқолишига олиб келади. Агар ота-она учинчи фаслнинг кириб келганини илғамай қолса, бу ҳолат фарзанд томонидан жудаям эҳтиёткорлик билан ота-онани ранжитмасдан эслатилиши лозим. Келинг, бу борада бир мисол келтириб ўтайлик.

Mulohaza

Бир дўстим айтади:

— Ота-онам айнан шу учинчи фаслни илғамай қолди. Улар ҳамон иккинчи фасл таъсирида бўлиб, менга фақат буйруқ беришарди. Мен эса отамга буни қандай етказишни билмай ҳайрон эдим. Ниҳоят бунга имкон туғилди. Бир куни отам: "Қани ўғлим, хаскашни ол, томорқадан кичикроқ пол қилиб, сабзи экиб қўямиз" деб қолди. Ота-бола томорқага ўтдик. Мен сабзи уруғини сепиб, устидан хаскаш торта бошладим. Отам эса узоқдан туриб, тупроқни у ёққа торт ёки бу ёққа торт, дея кўрсатма берарди. Афсуски,ишни отам айтгандай қилсам, пол қия бўлиб қолар ва унга сув яхши чиқмасди. Мен отамга эътироз билдирдим. Лекин отам, кўп гапирмай айтганини қилишни "маслаҳат" берди. Ноилож отамнинг айтганини қилдим. Орадан бир қанча вақт ўтиб, сабзилар чиқди. Аммо полнинг ярмига сув чиқмай қолган. Шу сабабли полнинг ярмида сабзи бору қолганида ҳеч вақо ўсмаганди. Аҳволни кўриб, отамнинг қоши чимирилди.

— Шу ёшга кириб битта полни ҳам эплаб текислолмабсан. Қара, ярмига сув чиқмабди. Ишлаётганда кўзинг қаёқда эди. Қойил, авжини қара, сен олган пол-да — дея кесатди. Мен отамга мулойимроқ қилиб, яхшигина жавоб қилдим.

— Ота, мен бу ерда сизнинг кўзингиз билан ишлаганман. Тўғри, бу мен олган пол. Лекин сизнинг кўрсатмангиз билан бунёд бўлган.

Сўзларим кескин тус олмаслиги учун табассум қилиб турардим.

Отам менга тикилиб қолди. Кейин эса қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди. Сўнгра менга тикилиб шундай деди:

— Ўғлим, мендан хафа бўлма, сенинг улғайганингни сезмай қолибман.

Шу тариқа отам ва мен учинчи фаслга қадам қўйдик. Бу фасл ота ва боланинг дўстлашув фасли эди. Ушбу ҳикояни тинглар экансиз, учинчи фасл моҳиятини англагандай бўласиз. Ёдингизга эса бир донишманд билан бўлган савол-жавоб келаверади. Ундан сўрашибди.

— Ким яқин, отами ёки дўстми?

Донишманд жавоб берибди:

— Шубҳасиз, ота. Агар у дўст бўлса.

Беихтиёр савол туғилади.

Хўш, ота ўз хатосини тушунмай, болани ноҳақ деб ҳисоблаганда нима бўларди. Ўз-ўзидан равшанки, болада отага нисбатан норозилик туйғулари бош кўтарарди. Бунинг оқибати эса ҳеч қачон яхшилик билан тугаган эмас. Бунинг ёрқин мисолини эса ҳаётда содир бўлаётган кўплаб воқеаларда учратиш мумкин. Ҳеч қачон фарзанд ўз-ўзидан ёмон йўлга тушиб қолмайди. Ота-она ушбу фаслларни унутдими, демак, фарзанд тарбияси таназзулга юз буради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ота-она гўдак хархашасини кўтармоғи, ўсмир тарбиясига жиддий қарамоғи ҳамда улғайган фарзанди билан бамаслаҳат иш тутмоғи лозим. Шундагина ота ва бола ўртасидаги меъёр чегараси бузилмайди. Шундагина ҳар икки томон ўртасида тушунмовчилик келиб чиқмайди.

Абдулҳамид АБДУАҲАД ўғли

МУШОИРАЛАР ЎҚУВЧИЛАР ФОЙДАСИГА

Мактаб даврида она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари Дилфуза Усмонова, Гулсиной Ҳусановаларни жуда хурмат қилар эдик. Негаки, улар қизиқарли, мазмунли дарс беришлари билан бирга ташкилотчилик фаолиятлари билан ҳам қалбимизга йўл топардилар. Айниқса, синфлар ўртасидаги рақобатлар, фанлар бўйича ўтказиладиган мушоиралар жудаям қизиқ, ўзгача шукуҳда бўларди. Гоҳида арзимаган балл ҳисобига мағлуб бўлиб қолсак, ўша синф, ўша гуруҳ билан қайтадан беллашишни ҳам талаб қилардик. Фан ҳафталиклари пайтида эса деярли ҳар куни кечга қадар мусобақага тайёргарлик кўрардик, рақибларимиздан устун келиш учун нималар қилиш лозимлигини ўйлардик.

Энди ўйлаб кўрсам, ўшанда ўзимиз билмаган ҳолда чуқур мулоҳаза, мушоҳада юритар эканмиз. Гуруҳга муносиб ном бериш, ана шу номга уйғунлаша оладиган чиройли тасвирли кўкрак нишони тайёрлаш ва уни ҳайъат аъзоларига таърифлаб беришнинг ўзи ижод намунаси экан. Ўша фанга тааллуқли маълумотлар асосида деворий газета, албомлар тайёрлаш бизни янада изланишга, гуруҳ номини ҳимоя қилишга чорларди. Ҳамманинг онги, характери, қабул қилиш даражаси ҳар хил бўлгани каби, ўқувчиларнинг барчаси ҳам фан мушоиралари, илмий нарсаларни ёқтиравермайдилар. Ана шу тоифа ўқувчилар байрам тадбирлари, санъат борасидаги мусобақаларга иштиёқманд бўладилар. Уларни ҳам фанлардан йироқлатмаган ҳолда ўз қизиқишлари доирасида тарбиялаш керак экан, деган хулосага келаман баъзан. Муҳими, ўқувчидаги истеъдодни юзага чиқаришга кўпроқ имкон яратиш. Шу ўринда таклиф сифатида айтмоқчи эдимки, мактаблар, синфлар ўртасида тез-тез мушоиралар ташкиллаштирилса, фаол қатнашиб, масъулият билан ёндашганлар эса имкон қадар рағбатлантирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, ҳар бир фан ўқитувчисидан ўқувчилар қай даражада ўзлаштирганини тадбир, мушоира тарзида намойиш этиб бериш талаб қилинса ҳам бу билан ўқувчининг ўзини тута билиши, нутқ маданиятлари ўсиб борарди. Зеро, ушбу ҳаракатлар самараси ўлароқ, мактабни тамомлаб ўқув юртларига борганда ҳам болада ўз ташкилотчилик фаолиятини бемалол давом эттириш учун замин ҳозирланади.

Taklif

Муножат МЎМИНОВА,
ЎзМУ талабаси

ТУҒИЛГАН КУН

ёхуд азага айланган сана

Бир синфдошнинг туғилган куни икки синфдошнинг азаси билан якун топди. Бу айрилиқ азоби икки хонадонга азани, яна иккитасига азиятни олиб келди. Ушбу машъум воқеа қаҳрамонларининг манзилларини кўрсатиб, кимлигини айтиб ёзишимиз ҳам мумкин эди. Аммо, уларнинг ярасига туз сепишдан тийилдик. Фақат уларнинг хатоси нимада ва қаерда эканлигини англаган ўқувчимиз ўзига тегишли хулоса чиқариб олса ва шунга ўхшаш фалокатни ўзидан йироқлаштиришга интилса, биз ўзимизни муддаомизга етган ҳисоблаймиз.

Шариф ака яккаю ягона фарзандини яхши кўрганидан, севганидан ва суйганидан ундан ҳеч нарсани аягиси келмасди. Ҳали 9-синфда ўқиса-да, эркалатиб, унга машина рулини топшириб қўйди. Бир-икки тўйга борганида ўзи ичгани учун қайтишда ўғлини рулга ўтказиб, шу кунларга етказганига шукр дея, бир кайфи икки ҳисса ошиб уйига қайтарди. Бироқ, йўл қоидасини тўла билмаган боланинг машина бошқариши хавфли эканлигини у жуда кеч англади.

Қисқаси, кунларнинг бирида синфдошлар Носирнинг туғилган кунига борадиган бўлишди. Носир узоқроқда яшагани боис, кеч қолсак нимада қайтамиз, деган савол қизларни ташвишлантиргач, улар анча ўйланиб қолишди. Шунда қизлардан бири Шокир мактабга отасининг машинасини ҳайдаб келаётганини айтиб қолди.

«Келинглар, ундан илтимос қиламиз. Синфдошимиз-ку, ахир, йўқ демас. Қолаверса ўзи ҳам боради».

Ҳа, Шокир йўқ демади. Аксинча, жентельмен йигитча уларни олиб бориб келишга розилик берди. Ниҳоят, "Жигули"да олти киши туғилган кунга келишди. Узоқ вақт давом этган базмда ўғил болалар "Бонақуа" идишига қуйилган арокқдан, қизлар эса "Спрайт" ўрнига солинган шампан виносидан роса ичишди. Боиси, ҳар қайси синфдошнинг таваллуд кунида шодиёнани шу йўл билан нишонлаш одат тусига кирган эди.

Кеч соат 11 дан ошгач, уйга қайтишга ошиққан меҳмонлар энди етти киши бўлиб машинага тиқилишди. Жуссалари кичик эмасми, бир амаллаб жойлашиб олишди ҳам. Шокир эса ёнига гаплашиб юрадиган "қизи" ўтириб қолгани учун, синфдошларини шаҳар айлантириб, барчасини уйларига ташлаб қўйишини айтди. Қизлар ҳам бунга жон деб рози бўлдилар. Фақат бир қизгина шунча кеч бораётганим учун аям билан дадамдан роса гап эшитаман, дея Шокирни яқин йўлдан юришга ундади. Бироқ кўпчилик унинг гапига кирмагач, машина шаҳар томон равона бўлди.

Баланд овозда таралаётган қўшиққа жўр бўлишган ёшлар қийқириғи шу қадар баланд эдики, қулоқларни қоматга келтирарди. Шу боис, Азизанинг ўзи яшайдиган кўчада тушиб қоламан деган гапини бошқалар деярли эшитмади. Тўғрироғи, зувиллаб учиб кетаётган машинанинг гоҳида оҳиста, баъзан қаттиқ силкиниб олиши, уларнинг кулгуларини кучайтириб-пасайтирувчи мурувват вазифасини ўтаётгандек эди гўё.

Шаҳарга яқинлашгач, йўл патрул хизмати ходимларига дуч келиб қолса, иш чатоқ бўлишини ўйлаган Шокир бирдан машина рулини чапга, милиция ходимлари кам бўладиган кўчага бурди. Бироқ тезликни камайтириш хаёлига келмагани боис, бу силкиниш қизларнинг қийқириғи орасига озгина бўлсин ваҳима ва қўрқувни аралаштириб, уларни сал ҳушёрликка чорлади. Бир-иккитасининг астароқ ҳайда, дея айтган гапи эса ҳайдовчининг жазавасини қўзитди. "Нима, ҳали мени машинани бошқара олмайди, деб ўйлайсизларми", дея Шокир баттар тезликни оширди.

Afsus

Машина улоқни олган чавандознинг оти сингари бирдан олдинга шиддат билан интилди. Йўлнинг нотекислигидан "тулпор" гоҳида ўнг ва чап ёнига шундай қийшайиб олардики, бундан қўрқиб кетган қизлардан бир-иккитаси бор овози билан бақирганича Шокирдан машинани тўхтатишни сўрашарди. Аммо, уларнинг ялиниши ёш ҳайдовчининг завқини оширар, у янада газни босарди. Энди қизлар анча ўзига келишган, "Спрайт"нинг кайфидан асар ҳам қолмаганди.

Машина шу зайлда катта чорраҳага яқинлашиб қолди. Аслида асосий йўл билан иккинчи даражали йўлнинг фарқига бормайдиган йигитча, иккинчи даражали йўлда кетаётганига қарамай, тезликни камайтиришни хаёлига ҳам келтирмади. Шу боис, машина асосий йўлда келаётган юк машинаси остидан ўтишга мажбур бўлди. Энг аянчлиси, қизлардан уч нафари оғир тан жароҳати олган, яна бири ва ҳайдовчи бандаликни бажо келтирган ҳолда манзилга етиб келишди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
журналист

АФҒОНИСТОНГА КЕЛГАН БИРИНЧИ РАҲБАР

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Афғонистонга ташрифи чоғида БМТ томонидан расман тан олинган вақтинчалик ҳукумат билан музокаралар олиб борди. У давлат раҳбари Ҳамид Карзай ҳамда БМТнинг Афғонистондаги элчиси Лахдар Брахимилар билан учрашиб, мамлакатнинг келгуси тақдири ҳақида музокаралар ўтказди. Блэр "Толибон" ҳукумати ағдарилгандан сўнг Афғонистонга ташриф буюрган биринчи Ғарб мамлакатлари раҳбари ҳисобланади.

Шунингдек, Марказий Осиё бўйлаб сафарга чиққан АҚШ сенаторлари гуруҳи ҳам Ҳамид Карзай билан учрашди ва Афғонистондаги антитеррор кампанияси юзасидан фикр алмашдилар.

КАПИТАН КЎРСАТМА ОЛГАНЛИГИНИ АЙТМОҚДА

Ўтган ҳафта Исроил хавфсизлик кучлари томонидан умумий ҳажми 50 тонналик қурол-аслаҳа ортилган кема қўлга олинган эди. Кема капитани, фаластинлик Умар Анавининг айтишича, улар бу борада Фаластин ҳукуматининг махсус вакилидан кўрсатма олишган экан. Исроил ва Америка матбуотига интервью берган Анави ўзининг "ФАТХ" ҳаракати аъзоси эканлигини ҳам айтган. Ҳозирда у Исроил ҳибсхонасида сақланмоқда.



Ёсир Арофат маъмурияти эса ҳақиқатан ҳам Анавини "ФАТХ" аъзоси эканлигини тасдиқлаган эса-да, лекин қурол ортилган кемага ҳукуматнинг алоқадорлиги ҳақидаги маълумотларни рад этмоқда. Шу билан бирга, қўлга олинган кемани Исроил томонидан атайин уюштирилган, дея айтмоқда.

ТОРА-БОРАДАН ҚИДИРИШ ФОЙДАСИЗ

Афғонистондаги антитеррор кампаниясига раҳбарлик қилаётган генерал Томми Фрэнкснинг айтишича, Америка ҳарбийлари Тора-Бора ҳудудидан халқаро террорчи Усама бин Лоденни қидиришдан умидларини узганлар. Яқин кунларда аскарлар ушбу ҳудуддан олиб чиқиб кетилади. Чунки биз барча қидирув ишларини бажариб бўлдик, деди Фрэнкс.

Лекин, бошқа ҳудудларда операциялар давом этмоқда. Жумладан, Завар ва Хост туманларида Усама бин Лоден тарафдорлари ҳамда толибларга тегишли қуроллар ва оғир техникаларнинг қолдиқлари топилган.

"ИНТЕРПОЛ"ГА МУРОЖААТ ЭТИЛДИ

Босния ва Герцеговина ҳукумати БМТдаги ўзининг собиқ вакилини ҳибсга олишни сўраб, "Интерпол" ташкилотига мурожаат қилди. Боиси, унга ҳозирда давлат бюджетининг 600 минг долларини суиистеъмол қилиш айби қўйилмоқда. 1992-96 йилларда Муҳаммад Сажибей БМТнинг Нью-Йоркдаги бош штаб-квартирасида Босния ва Герцеговинанинг элчиси сифатида фаолият кўрсатган. Сажибей бир вақтнинг ўзида икки давлат фуқаролигига эга бўлиб, унинг иккинчи ватани Қўшма Штатлар ҳисобланади. "Интерпол" томонидан қидирув бошланган собиқ элчининг ҳозирда қаерда эканлиги аниқ эмас.

ЖАНГАРИЛАР ЙЎҚ ҚИЛИНДИ

"Интерфакс" агентлигининг хабар беришича, Аргун шаҳрида Россия Федерал кучлари жангарилар устидан муваффақкият қозонишди. Жангарилар жойлашган бинога вертолётдан ҳужум уюштирилиши натижасида у тўлиқ вайрон қилинган. Маълумотларга кўра, ҳозирча 7 нафар жангари ўлдирилган. Лекин бинода тозалаш ишлари ўтказилгач, қурбонлар сони ортиши мумкин. Федерал кучлардан эса икки киши ҳалок бўлиб, уч нафари жароҳатланган.

Sharh

ДЎСТ БЎЛИБ ЯШАГАН МАЪҚУЛ

Жанубий Осиё минтақаси жаҳон маданиятининг энг қадимги ва бой марказларидан бири бўлиб, инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшиб келди. Осиё жануби эгаллаган майдон Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри Ланка, Мальдив ороллари Республикаси ҳамда Ҳимолай тоғлари бағрида жойлашган Непал ва Бутан қиролликларидан иборат. Жанубий Осиё мамлакатларининг умумий майдони 4,5 млн. квадрат километрни ташкил қилса, унда 1,5 миллиарддан кўпроқ аҳоли, яъни жаҳон аҳолисининг бешдан бир қисми яшаб келмоқда.

Маълумки, 1947 йили Ҳиндистон билан Покистон ўз мустақиллигига эришиб, алоҳида суверен давлат мақомини олган эди. Мана, 55 йилдирки, Кашмир ва Панжоб штатларининг бир қисми Покистон ва бир қисми Ҳиндистон таркибида бўлиб, Кашмир муаммоси ҳанузгача ҳал қилинмай келмоқда ва икки давлат ўзаро муносабатларида қонли тўқнашувларга сабаб бўлмоқда. Навбатдаги можаро, аниқроғи икки давлат ўзаро алоқаларидаги тангликнинг янги даври 2001 йил 13 декабрь воқеаларидан сўнг бошланди. Ўша куни бир гуруҳ қуролланган экстремистлар Ҳиндистон Парламентига ҳужум уюштирди. Айирмачи (сепаратизм) ва террорчи кучларнинг бу иғвогарона ҳаракати бостирилган бўлса-да, Ҳиндистон томони 13 декабрь воқеаларининг келиб чиқишидан Покистондаги маълум ҳарбий ва сиёсий кучлар айбдор эканлигини баён қилди.

Бугунги кунда ҳам Покистон ва Ҳиндистон чегара минтақасидаги, айниқса, Жамму ва Кашмир штатидаги аҳвол нотинчлигича қолмоқда. Ҳар икки томон ҳам чегарага ўн минглаб ҳарбий кучларни сафарбар этган. Ҳиндистон назоратида бўлган Кашмир ҳудуди атрофида отишмалар тўхтамаяпти. Шу тариқа Ҳиндистон билан Покистон ўзаро алоқаларида қайтадан пайдо бўлган сиёсий кескинликни фақат минтақавий муаммо деб бўлмайди. Бу ҳақиқий маънодаги умумжаҳон муаммосидир. Нега шундай? Чунки, 1998 йили май ойида дастлаб Ҳиндистон, кейин эса Покистон ядровий синовлар ўтказиб, ўзларида ушбу оммавий қирғин қуроли мавжуд эканлигини ошкор қилди. Бу бир томондан — Ҳиндистон ўз қўшнисига ҳарбий салоҳиятини намойиш қилган ҳолат билан эсланса, айни пайтда Покистон ҳам шундай даҳшатли қуролга эга эканлигини очиқ-ойдин намойиш қилди. Демак, ядровий давлатларнинг ўзаро муносабатларидаги қарама-қаршиликларни биргина минтақавий муаммо ёхуд икки давлатнинг чегара тўқнашувлари тушунчаси билангина изоҳламаслик керак.

Куни кеча Пекинда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо бўлган давлатлар (Хитой, Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон) ташқи ишлар маҳкамаси раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашувда халқаро терроризмга қарши биргаликдаги курашни кучайтириш, Афғонистон муваққат ўтиш ҳукуматига ва афғон халқига кенг кўламли ёрдам кўрсатиш масалалари билан бир қаторда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги сиёсий-ҳарбий муаммолар фақат тинчлик йўли орқали ҳал этилиши лозимлиги таъкидланди.

Айнан шундай эзгу ният йўли Непал пойтахти Катманду шаҳрида бўлиб ўтган Жанубий Осиё давлатлари раҳбарларининг саммитида ҳам баён қилинди. Ушбу анжуман икки кун давом этиб, унда минтақадаги миллий — этник муаммолар, иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий ва маданият соҳасидаги долзарб вазифаларни биргаликда ечиш масаласига катта эътибор қаратилди.

Пекинда бўлиб ўтган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти давлатлари ташқи ишлар вазирларининг учрашувида ҳам, шунингдек, Катманду саммитида ҳам Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги ҳарбий тўқнашувга йўл қўймаслик ва бу масалада жаҳон ҳамжамиятининг масъулиятини ошириш, етук давлатларнинг таъсир кўрсатиш доирасини янада кучайтириш масалалари илгари сурилди.

Яқинда Осиё Жанубий мамлакатлари бўйлаб сафарда бўлган Буюк Британия Бош вазири Тони Блэр Кашмир муаммосини Шимолий Ирландия кескинлигига таққослади. Дарҳақиқат, Кашмир масаласи ярим асрдан кўпроқ давр ичида икки давлат ўзаро алоқаларига салбий таъсир кўрсатиб келаётгани каби, мана қарийб эллик йилдирки "Ольстер муаммоси" Ирландия халқи билан инглизлар ўртасидаги чуқур тангликнинг асосини ташкил этиб келмоқда.

Ҳозирги вазиятнинг оғирлиги яна шу ҳолат билан ҳам изоҳланадики, Покистон томони бир қатор террорчи гуруҳ раҳбарларини, шу жумладан, "Лашкари-Ислом" террорчи-экстремистик ташкилотининг етакчиларини қамоққа олганлигига қарамай, Ҳиндистон маъмурияти музокараларни рад қилмоқда. Албатта, бу ҳолат ҳозирги кескинликнинг натижаси. Бироз вақт ўтгач, тинч музокаралар учун шароит туғилса ажаб эмас. Лекин, фурсат қўлдан бой берилмагани маъқул.

Ғарб давлатлари Осиё Жанубида тўртинчи бор Ҳиндистон-Покистон ҳарбий можароси юз бермаслиги учун саъй-ҳаракатларни кучайтирмоқда. Бу масалада АҚШ ва Англия ҳукуматининг ташқи сиёсий стратегияси бир-бирига жуда яқин. Хусусан, Жорж Буш маъмурияти икки йирик давлат ўртасида ҳарбий тўқнашув юз бермаслиги учун Деҳлига ҳам, Исломободга ҳам таъсир ўтказиб, ўзига хос "огоҳлантириш" билдирди. Бундан мақсад аввало, икки қўшни давлат алоқаларини муроса йўли орқали яхшилаш бўлса, иккинчидан дунё миқёсида олиб борилаётган аксилтеррор ҳаракатларини муваффақиятли ниҳоялаш мақсади равшан бўлмоқда.

Шу ўринда Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги қуролли тўқнашувлар ҳеч замон ҳеч бир томонга наф келтирмаганлигини алоҳида уқтириб ўтиш лозим. Жумладан:

— 1947-1948 йиллардаги 15 ойлик тўқнашув;

— 1965 йилдаги чегара можаролари, кейин эса 1966 йил январида Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларининг собиқ иттифоқ Бош вазири иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган учрашуви ҳамда бу учрашув ниҳоясида қабул қилинган Тошкент декларацияси;

— 1971 йилдаги ҳарбий можаро ва бунинг оқибатида Бангладеш Халқ Республикасининг мустақилликка эришиши, яъни Покистон таркибидан ажралиб, суверен давлатга айланиши.

Бундан ташқари Кашмир муаммоси сабабли Ҳиндистон ва Покистон бир неча бор уруш ҳолати арафасига тушиб қолган эди. Хусусан, 1984, 1989 ҳамда 1999 йиллари шундай хатарли вазият юзага келди. Табиийки, бу даҳшатли қора кунларни эслар эканмиз, ҳар икки давлат дўст-биродар бўлиб яшагани маъқул, дегинг келади. Дарвоқе, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон раҳбарларининг 2001 йил 28 декабрь куни Тошкентда қабул қилган Баёнотида шундай сўзлар бор: "Давлат раҳбарлари Ҳиндистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларда кескинликнинг ошганлигини ташвишланиб таъкидлайдилар. Яқинда кишиларнинг қурбон бўлишига сабаб бўлган Ҳиндистон Парламентидаги террорчилик хуружларини кескин қоралаб, Давлат раҳбарлари Ҳиндистон ва Покистон раҳбарларини салтанатга хос вазминлик кўрсатишга, фавқулодда чоралардан тийилиб туришга ва мавжуд муаммоларни сиёсий воситалар билан ҳал этишга даъват этадилар.

Давлат раҳбарлари минтақа хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш манфаатларига жавоб бера оладиган Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги яхши қўшничилик муносабатларининг ривожланиши ҳамда мустаҳкамланишига умид билдирадилар".

Айнан мана шу эзгу ниятнинг рўёбга чиқиши Жанубий Осиё барқарорлигининг кафолати ҳамдир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
сиёсий шарҳловчи

Sport maydonchasi

КУТИЛМАГАН НАТИЖА

Аёллар ўртасида теннис бўйича Янги Зенландияда ўтказилган ASB Bank Classic турнири якунланди.

Турнирнинг финал босқичида исроиллик Анна Смашнова россиялик Татьяна Пановага қарши кортга чиқди. Муросасиз ўтган баҳс кучли шамол остида давом этди. Бунда Анна ўз рақибини 6:2, 6:2 сет ҳисобида мағлубиятга учратиб, ғолибликни қўлга киритди. Энг қизиғи, ҳозирда жаҳон теннисчилари рўйхатида Анна Смашнова 88-ўринни эгаллаб турган бўлса, Татьяна Панова 40-ўринни банд қилиб турибди.

ЯНА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ

90-йилларнинг энг яхши ҳаваскор боксчиларидан бири, 1995 йилнинг жаҳон чемпиони, икки карра Европа чемпиони ва икки карра Олимпиада ўйинлари совриндори, руминиялик Леонард Дорофтей WBA йўналиши бўйича ярим енгил вазнда аргентиналик Раул Бальби билан бўлган жангда рақиби устидан очколар ҳисобига ғалаба қозонди ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 31 ёшли Дрофтей ўзининг ҳаваскор боксчилар ўртасидаги ўрнини 1998 йилда якунлаганди ва профессионал боксда ўзини синаб кўрган эди. Ҳозирга қадар у 20 та жангнинг барчасини ўз фойдасига ҳал қилган. Шулардан 7 тасини накаут билан якунлаган.

"ЛОКОМОТИВ"ДА ИККИНЧИ ЙЎҚОТИШ

Шу ҳафтанинг душанба куни Россия футбол мавсуми оралиғида шов-шувга сабаб бўладиган воқеа содир бўлди. "Спорт экспресс"нинг хабар беришича, ушбу футбол мавсумида муваффақиятли қатнашаётган "Локомотив" ва Россия терма жамоасининг ҳимоячиси Игорь Чугайнов "Уралан" жамоасига ўтиб кетди. Бу "Локомотив"нинг дарвозабони Руслан Нигматуллиндан кейинги иккинчи йўқотиши бўлди. Темирйўлчиларнинг биринчи ўринга бўлган уринишлари қандай давом этишини вақт кўрсатади.

ЗЎРЛАР АНИҚЛАНДИ

Германия терма жамоаси "Бавария" голкипери Оливер Кан эса сўровлар натижасига кўра 2001 йилда энг яхши дарвозабон деб топилди. Россия терма жамоасининг дарвозабони Руслан Нигматуллин 10—ўринни банд қилди

Кан жаҳонда иккинчи марта яхши дарвозабон номини қўлга киритди. Иккинчи ўрин колумбиялик Оскар Кардобга (Бока Хуниорс) насиб этди. Учинчи ўрин италиялик Жан Луиджи Буффонага (Ювентус) насиб этди. Россияда Ренат Дасаев ва Дмитрий Хариндан кейинги учинчи марта Нигматулин жаҳоннинг кучли ўнлигидан жой олди.

ВОҚЕАЛАРГА БОЙ МАВСУМ

Ўтган мавсум Россия футболида ҳам кутилмаган воқеаларга бой бўлди. Ҳатто бу ҳолат трансфер бозорини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Масалан, Кобелевнинг "Зенит"дан "Динамо"га, Сирхаевнинг "Анжи"дан, Локомотивга, Гусевнинг "Динамо"дан МХСК га ўтиши ёки Нигматулиннинг Италиянинг машҳур "Верона" жамоасига ўтиб кетиши гапимизнинг исботидир. Чугайновнинг "Локомотив" билан тузган битими ниҳоясига етган бўлса-да, таътилдан қайтгач "Локомотив" нинг мажлисида иштирок этди.

ГИЛАМДА ЁШ ПОЛВОНЛАР

Sport

Тошкент Давлат автомобил йўллари институтининг спорт залида юнон-рум кураши бўйича икки хил ёш тоифасидаги (1987-89 ва 1985-86 йилларда туғилганлар) ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳар биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

Мусобақаларда "Ёшлик" кўнгилли спорт жамияти, касаба уюшмалари спорт клублари вакилларидан 350 нафардан ортиқ ёш полвонлар ғолиблик учун курашди.

Икки кун давом этган қизғин ва муросасиз курашлардан сўнг 1987-89 йилларда туғилганлар ўртасида 12 хил вазн тоифасига кўра "Ёшлик" КСЖ вакилларидан Д.Ёқубов (32 кг), Ш.Орипов (35 кг), С.Ғаниев (59 кг), С.Хўжаев (76 кг), касаба уюшмалари спорт клубидан И.Ҳафизов (38 кг), Ш.Хайруллаев (41 кг), Т.Ҳамзаев (44 кг), Э.Зульбис (47 кг), К.Одилов (50 кг), Д.Тэ (53 кг), Ж.Назиров, Д.Ражибоев (85 кг) ва 1985—86 йилларда туғилганлар ўртасида "Ёшлик" КСЖ вакиллари А.Махаматов (54 кг), Р.Фатхулин (58 кг), С.Хожиев (69 кг), О.Матросов (95 кг), 11-БЎСМдан А.Мирзаев (46 кг), М.Кенжақулов (50 кг), касаба уюшмаларидан С.Лигай (63 кг), М.Загрутдиновлар (76 кг) мусобақа чемпионлари бўлишди.

Ғ.МАННОПОВ

СПОРТ МАЖМУАЛАРИ ЁШЛАР УЧУН

Жиззах вилоятида "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг I-II босқичида 2001 йилнинг 11 ноябрига қадар умумтаълим мактабларининг 109884 нафар бошланғич синф ўқувчилари спортнинг 5 тури бўйича мактаб биринчилиги мусобақаларида иштирок этган бўлса, худди шу синфлар ўртасида II босқич мусобақалари, яъни туман, шаҳар биринчиликлари вилоятнинг 13 та маъмурий ҳудудларида ўтказилганди. Бу мусобақаларда ҳам 21040 нафар ўқувчилар туман, шаҳар биринчилигининг финал қисмида иштирок этиш учун курашдилар. Туман, шаҳар мусобақаларининг якунловчи финал ўйинларида 3260 нафар ўсмир ва қизлар иштирок этди.

Бугун спортнинг 11 тури бўйича беллашаётган ёш спортчиларга 373 та баскетбол, 554 та волейбол, 303 та қўл тупи, 380 та футбол, 155 та мини-футбол майдонлари, 159 та спорт зал ва 22 та мослаштирилган спорт заллар хизмат қилиб келмоқда. Ҳадемай эса улар орасидан кучлилар сараланиб олинади.

ЧИРЧИҚЛИКЛАРНИНГ ҚЎЛИ БАЛАНД КЕЛМОҚДА

Тошкент вилоятида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг III босқичи вилоятнинг еттита шаҳридаги спорт масканларида ўтказилмоқда. Чирчиқ шаҳридаги "Олмос", "Кимёгар" спорт мажмуалари, Олмалиқ шаҳридаги сув спорти саройи, Ангрен, Оҳангарон шаҳарларидаги касб-ҳунар коллежларининг замонавий спорт базалари мусобақалар учун хизмат қилмоқда. Қибрай туманидаги шахмат клуби вилоятнинг шахмат-шашка бўйича мусобақа қатнашчиларини қабул қилди. Юқори Чирчиқ туманидаги мактаб спорт залларида эса белбоғли кураш бўйича полвонлар мусобақалашмоқдалар.

Дастлабки натижаларга кўра Чирчиқ, Олмалиқ, Ўрта Чирчиқ спортчиларининг қўли баланд келаётгани маълум бўлмоқда.

МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ ИШОНЧНИ ОШИРАДИ

Самарқанд вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг III босқич ўйинларини юқори савияда ўтказиш мақсадида чиқарилган буйруққа асосан тузилган ташкилий қўмита ишчи гуруҳи беллашувларнинг одилона, адолатли кечиши учун бор имкониятларни ишга солганлар. Вилоят босқичининг янада кўтаринки руҳда ва байрамона ташкил этилишини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилояти ҳокимлигининг тадбирлари белгиланиб, унга кўра ҳар бир тур ғолибларини моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида қимматбаҳо совғалар ажратиш учун ҳомий ташкилотлар белгиланган эди. Бугун мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлими, "Маърифатпарварлар" жамияти вилоят бўлими ва бошқа қатор ташкилотлар ўқувчи-ёшларнинг "Умид ниҳоллари"га бўлган қизиқишини янада орттириш учун ўзларининг турли хил эсдалик совғаларини тайёрлаб қўйишди. Иштирокчиларнинг шаҳарнинг қадимий обидаларини зиёрат қилишлари ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирда барча жамоалар Самарқанд ва Каттақўрғон шаҳарлари, Пайариқ, Ургут, Тойлоқ, Каттақўрғон туманларида баҳс юритмоқдалар.

ГУЛИСТОНЛИКЛАР ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДИ

Сирдарё вилоятида 5—7-синф ўқувчилари ўртасида "Умид ниҳоллари" спорт мусобақаларининг вилоят III босқичи футбол, енгил атлетика, теннис ва сузиш бўйича ниҳоясига етди.

Ушбу спорт турларида футбол бўйича Гулистон шаҳри жамоаси, енгил атлетикадан Сирдарё тумани, теннис ва сузиш мусобақасидан ҳам Гулистон шаҳри терма жамоалари вилоят ғолиби бўлишди.

ҲАМ ЖАРОҲАТ, ҲАМ ҒОЛИБЛИК

Қиш мавсумида давом этаётган спорт турлари кескин тус олмоқда. Айни шу даврда спортчиларнинг энг кўп тан жароҳати оладиган давридир. Муз устида ўтадиган спорт тури — хоккейда ҳам бундай ҳолларни кўп кузатиш мумкин. Швеция терма жамоаси ва "San Jose Sharks" клуби ўйинчиси Маркус Рагренссон хоккей бўйича доимий мавсумий ўйинларининг бирида бармоғини синдириб олди. Шундай бўлишига қарамасдан ўзининг жамоаси «San Jose Sharks» клубини бу ўйинда 6:0 ҳисобида ютиб чиқишини таъминлади. Шу учрашувдан сўнг 51 очко тўплаган жамоа хоккей бўйича Тинч океани дивизионида биринчи ўринни эгаллаб олди.

СУПЕР ФУТБОЛЧИ ЯНА МАЙДОНДА

Ёдингизда бўлса, 1997 йил Англия чемпионатида сўнгги беш йил ичида тўрт маротаба ғолибликни қўлга киритган Эрик Кантона катта футболни тарк этганди. Австралиянинг "Мельбурн Найтс" жамоаси бош мураббийи Роберт Хрзиннинг маълум қилишича, Франция терма жамоаси ва "Манчестер Юнайтед" клубининг собиқ ҳужумчиси Эрик Кантона шов-шувли миллионлар ўйинига қайтиши мумкин экан.

Хрзин "Сидней Монинх" газетасига интервью берар экан, 9 февраль куни «Жанубий Мельбрун» жамоасига қарши майдонга тушадиган гуруҳ ичида Кантона ҳам бўлиши мумкинлигини таъкидлади. Бу ўйинни кўпчилик мухлислар интизорлик билан кутмоқда. Сабаби битта, Кантона мухлисларига чиройли ўйин тақдим этишига ҳамма ишонмоқда..

АЛП ҚОМАТЛИ АЛПОМИШЛАР АВЛОДИ

Куни кеча Нукусда Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигига қарашли умумтаълим мактаблари ўқувчилари орасида "Умид ниҳоллари"нинг футбол, енгил атлетика, қўл тўпи, волейбол ва шахмат-шашка турлари бўйича мусобақалари якунланди.

Шу муносабат билан Нукус шаҳридаги театрда муросасиз кечган баҳсларда алп қоматли алпомишлар авлодларини мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Маросимда 411 нафар ғолиб ўқувчиларнинг ҳар бирига ҳомийлар томонидан 15000 сўмликдан совғалар берилди.

"Умид ниҳоллари"нинг қолган олти тури бўйича ғолибларни аниқлаш мусобақалари давом этмоқда.

М.АЙТИМОВ

ҒОЛИБ "НАСАФ" ЎЙИНГОҲИДА АНИҚЛАНАДИ

Қашқадарё вилоятида ҳам "Умид ниҳоллари" III босқич мусобақалари қизғин паллага кирган. Вилоят спорт қўмитаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Соғлом авлод" ҳамда "Наврўз" халқаро жамғармалари кўмагида ўтказилаётган беллашувлар қатнашувчилар ва мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу мусобақаларда жамоалар 4 ҳудудга бўлиниб: Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Яккабоғ туманлари Шаҳрисабз марказида; Когон, Ғузор, Деҳқонобод, Қарши туманлари Ғузор туманида; Касби, У.Юсупов, Баҳористон, Муборак туманлари Касби туманида, Қарши шаҳри, вилоят махсус мактаб-интернати, Косон ва Нишон туманлари жамоалари Қарши шаҳри марказида биринчилик учун бир-бирлари билан беллашмоқда. Ҳар бир турнинг сўнгги финал мусобақалари эса Қарши шаҳридаги "Насаф" марказий ўйингоҳида бўлиб ўтади.

Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, шаҳар қўшимча таълим мажмуаси жамоалари шаҳар қўшимча таълим мажмуаси раҳбари Галина Ҳамзаевага отаси

Мамед ҲАМЗАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ДЎСТ ТОПОЛМАДИМ

Девона дил менинг ҳилқатим,
Дарвишона кўрку келбатим,
Ҳайём эрур менинг улфатим,
Бу дунёда бир дўст топмадим.

Жаҳонгаштадирман, чарчадим,
Заминга мўл осмон харжладим,
Гулдек умри хасман, қарчладим,
Бу дунёда бир дўст топмадим.

Инсон азал яшар қасдма-қасд,
Ким ўзарга бойиб басма-бас,
Молу дунё йиғиб қатма-қат,
Бу дунёда бир дўст топмадим.

Талабгорман қадим Суқротга,
Эртакларда қолган Суҳробга,
Сиғингайман ёлғиз "ё Раб"га,
Бу дунёда чин дўст топмайин.

Абдулҳофиз ОРТИҚОВ,
ўқитувчи, Бувайда тумани

Ko'ngil bitiklari

ҲАЁТ — ИМТИҲОН

Ҳаёт имтиҳону
Инсон талаба,
Ҳаётда йўл топиш —
ўзи ғалаба.

Ҳаётда йўл топиш
эмасдир осон,
Айримлар шу йўлда
бўлади сарсон!

Дунё боқий экан,
ўзгарди тузум,
Айримлар йўқотди
Оталар изин.

Пул топиш мақсадми,
инсонлик қани?
Виждондан буюкми
Жиғилдон ғами?

Айримлар кечади
пул учун жондан.
Азиз нарса йўқдир
Ватандан, нондан.

Эй инсон, қадрингни
ушлагин, сақла,
инсонлик номини
ҳамиша оқла!

Зуҳра РИЗАЕВА,
Оҳангарон туманидаги
48-мактаб ўқитувчиси

ЎҚ НҒИРОҚ ЧАЛИНГУНЧА

(Дам олиш саҳифаси)

ВИДО

Соҳибдилим, дилоро айт тўхтасин қарвон.
А.Қутбиддин

Бас, етар дард, қийнама жонни,
Сарбонга айт, тўхтасин бир зум.
Нолага тўлдирма осмонни,
Ёниб битди тўрт кунлик умрим.

Қайтиб кетолмайман ортимга,
Кенг дунёга сиғмайман энди.
Ушалмаган орзулар хайр...

Уфққа туташ саҳрода чексиз,
Увлаб йиғлар карвон излари.
Мен билмаган томонга эссиз,
Кетиб борар кўнглим қизлари.

Қайга? Тўхтанг... шошманглар эй сиз,
Ортингизга бир бора қаранг,
Қолиб кетди чанқоқ умидлар...

Дашт нега жим, бўрон қўпмайди,
Ёш инмайди нега кўзларга.
Энди қалбим изинг ўпмайди,
Қоришади фақат изларга.

Соҳибдилим, дилоро, айт, тўхтасин карвон,
Тутамай ёниб битди бир тан ичра мингта жон...

Алишер ОБИДОВ,
Шофиркон туманидаги 45-мактаб ўқитувчиси

Xullas...

ШОН-ШУҲРАТ ВА ДАРОМАД ИМКОНИ

Дунё миқёсидаги олимпия ўйинларининг ўтказилиши ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос имкониятлари мавжудлигини намоён этади. Испания пойтахти Мадридда тикланаётган қишки соғломлаштириш спорт мажмуаси ҳам худди шу мақсадни кўзлайди. Унинг умумий майдони 18 минг квадрат метр бўлиб, йил буйи чанғида учиш имкониятлари ҳам яратилади. Аттракцион, спорт зали, кинотеатр, ресторан, бар , уйин-кулгу зали, ижодий галерея, ҳаттоки 7500 та машинага мулжалланган майдонча ҳам борки, бу ерга келиш қайсики спортчига насиб этадиган бўлса, ҳанг-манг бўлмай иложи йўқ.

Мадрид спорт мажмуасини 2003 йилда ишга тушириш мўлжалланмоқда. Умид қилишяптики, 2012 йилда бўлиб ўтадиган олимпия ўйинлари учун ана шу улкан иншоот танланади. Келажакни кўзлаб қилинаётган бугунги иш Испания давлатига шон-шуҳратдан ташқари чексиз даромад ҳам келтиради.

НОННИНГ ИЧИДА... ОЛТИН

Кёлн шаҳридаги новвойхоналардан бирида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга талаб кундан кунга ошиб бормоқда. Нон сотувга чиқарилиши билан харидорлар бир-бирини туртган, ёқалашган, сўккан... Хуш, гап нимада ўзи?

Ноннинг бошқа новвойларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотдан мутлақо фарқи йўқ, яъни сифат, таъм масаласида у ҳам бошқа нонлар сингари. Новвойхона маъмурияти оммавий ахборот воситалари орқали шуни эълон қилган эдики, ҳар 5 мингта нондан биттасининг ичига олтин танга солиб пиширилган. Ана шу нонинг ўзига насиб қилишидан харидорман деганнинг ҳар бири умидвор.

Бу аслида рост гапми ёки ёлғонми, худо билади. Новвойхона ходимларига эса ўз маҳсулотларининг харидоргир бўлгани муҳимдир...

ОЛИМ ЭРНИНГ ИХТИРОСИ

Автоматик бошқарув аёлларнинг соч ювишларига ҳам кириб келди. Буни хотин-қизлар талаб қилишдимикан ёки...

Уз рафиқаларини меҳмонга, ресторанга ёки турли хил сайрларга олиб боришда кутишдан чарчаган чет эллик олимлардан бири ана шу мосламани ўйлаб топди.

Соч ювадиган қурилманинг креслосига ўтирган аёл бошини думалоқ мосламага солади. Шундан сунг аёлнинг сочи автоматик равишда ювилади, қуритилади. Буларга атиги беш лаҳза кифоя! Қолган пардоз-андозлар ойна қаршисида давом этади.

"Бундай қурилмани яратишга қандай зарурат туғилди?" деб суралганида, кашфиётчининг жавоби шундай булди: "Хотинимни кутиш жонимга тегди, зора кутиш вақти қисқарса, деган ниятда ушбу қурилмани кашф қилдим."

Кошки эди, у ҳақиқатан ҳам ниятига эришган булса...

ana shunaqa gaplar

ALTERVORDLAR

A
1) Alfavitning 3-harfi
2) Kelishik qo'shimchasi
3) Tojikcha "o'n"
4) Ramazondagi 10 kunlik
5) Lab, dudoq
6) Suv o'tadigan qisqa o'zan
7) Qinning metal uchligi
8) Og'zaki do'q, so'kinib bir-biri bilan olishish



B
1) Hayratni bildiruvchi so'z
2) Forscha "suv"
3) Non turi
4) Xudojo'y, taqvodor erkak
5) Arxeologik yodgorlik



C
1) Kampirda bor, cholda yo'q harf
2) Raqsda oyoqning ritmik harakati
3) Bug'
4) Nurdan yaratilgan juda go'zal qiz
5) Yasama soch



D
1) Bir trillionning shartli belgisi
2) Amerikalik mashhur detektiv yozuvchi
3) Uy, binoning past qismi, sathi
4) Harbiy bo'linma
5) Javondagi taxta polka



E
1) His-hayajonni ifodalovchi so'z
2) Elektr qarshiligi o'lchov birligi
3) Savodsiz, o'qimagan
4) Fotihadan so'ng aytiladigan so'z
5) Muhammad (SAV)ning onalari



Tuzuvchi: Davronbek TOJIALIYEV

«ВИЖДОНИТ»

(Ҳажвия)

Виждон — бу турли ташқи омиллар таъсирида, ҳаёт давомида вужудга келадиган илоҳий кўзга кўринмас органдир.

Виждонит — бу виждоннинг эрозив-диструктив, ўсиб борувчи яллиғланишидир. У антропоноз касаллик бўлиб, қўзғатувчиси дўзахийлар оиласига мансуб, нейротроп шайтонакокк бактериясидир. Кўпроқ тўлиқ шаклланмаган виждонларга бу вирус таъсир қилади. Туртки омиллари:

1. Виждон ривожланиши босқичидаги ноқулай шарт-шароитлар.

2. Ишонган кишиларидан кўп алданиб қолиши.

3. Бойлик тўплашга берилиб кетиши (баъзилар бу касалликни "бойлар касали" деб аташади).

4. Виждонсиз киши билан узоқ вақт бирга бўлиш, касалликни ташиб юрувчилардан юқтириш (уйланиш, дўстлашиш, таълим олиш, таълим бериш жараёнида) мумкин.

Юқиш йўли: ҳаво-томчи йўли билан. Виждонсиз ёки шайтонакокк бактериясини ташувчи кишилар билан сурункали мулоқотда бўлиш ёрдамида. Шиллиқ қаватларга тушган вирус қонга сўрилиб ўтиб, қон орқали вирус учун "нишон" орган бўлмиш марказий нерв системасига таъсир қила бошлайди. Марказий нерв система ўз навбатида виждонга ўз салбий тазйиқини ўтказа бошлайди. Ва виждон зўриқиб касалланади. Бунда вирус ва туртки омиллар биргалашиб ҳамкор бўлиши катта аҳамиятга эга.

Бемор шикоятлари: 1) ўзини ҳаддан зиёд яхши кўришлик ривожланиши; 2) яқин кишиларининг камайиб бориши; 3) бирор иш қилишда иккиланиш вужудга келиши; 4) муҳим воқеа-ҳодисаларга бефарқлик вужудга келиши.

Касаллик кечиши 2 босқичга ажратилади.

I. Компенсация босқичи — бу касаллик бошланишида кузатилиб, бунда беморнинг қиладиган, қилган ишлари ва виждони ўртасида тафовутлар пайдо бўла бошлайди. Бемор бу тафовутларни қуйидаги ҳолатлар билан компенсациялайди:

а) ўзини-ўзи алдаш, ишонтириш; б) қилинган салбий ишларда бошқаларни айблаш; в) ижтимоий-иқтисодий муҳит талабига йўйиб ўзини оқлаб чиқиш. Масалан, вирусни юқтирган киши автобусда ўтирибди, ёнига бир қария келиб тик турибди. Шунда бемор ён-верига қараб ўзига қуйидаги саволларни бера бошлайди: нега энди айнан мен жой беришим керак? Бошқалар ўтирибди-ку? Мендан ёшроқлар ҳам бор, нега улар туришмайди? Ўйлай бошлайди: эрталаб бўлганда ҳам майли эди, чарчамаган бўлардим, ўзим ҳам роса чарчаганман-ку, ахир! Шундай экан, турганим билан менга савоби йўқ. Балки, ёнимга келиб қалтираб артистлик қилмаганида жой берардим. Ҳозир туриб жой берсам, анави ўтирган қизлар ўзини кўрсатяпти деб ўйлашмасмикан? Яна шунча ўтириб жой берсам, ноқулай бўлади, кел, яхшиси қарамасдан кўзимни юмиб оламан.

Шундай кечинмалар билан виждонини тинчлантиради.

II. Декомпенсация босқичи — бунда виждонда склеротик-диструктив ўзгаришлар бўлиб, илгари қилса бўлмайдигандай туюладиган ишлар, гап-сўзлар одатий, қилса бўладиган ҳолатга айланади. Масалан, домлаларга фақат дарс хонасида салом бериш керак, ташқарида, бошқа жойларда кўрмасликка олса ҳам бўлаверади. Оғир юк билан нозик қиз, ҳомиладор аёл, қариялар кетишаркан, у ҳам одатий ҳолат, чунки юк уларга тегишли-да.

Касалликнинг бу босқичидаги кишилар виждонсизлар рўйхатига олинса, уларнинг жавобгарлиги йўқолади, чунки руҳий ҳаста кишилар — инсоний қонуниятларга жавобгар эмаслар.

Ташхиси: бемор шикоятлари, клиник симптомлар, анамнез вита, анамиёз морби асосида қўйилади.

Қиёсий ташхиси: гипержиғилдон, авиждон, кўнгилсклероз касалликларидан фарқлаш зарур.

Асоратлари: виждонсклероз, адўстлар синдроми, сурункали яллиғланган виждон ракка айланиб, метастаз бериб тиқилиб ўлиш.

Давоси: касаллик 1-компенсация босқичида салбий таъсир этувчи омилларни йўқотиб, ижобий, маънавий, соф инсоний фазилатлар — ғамхўрлик, ғурур, орият, ҳурмат, фаросат, жасорат, софдиллик, яхшилик билан даволанади. 2-декомпенсация босқичида виждон физиологиясини тиклаш иложи йўқ, виждон эктомия қилинади.

Профилактикаси: виждонсиз ва виждони касал бўлган шайтонакокк бактерияси ташувчиларни вақтида аниқлаб, уларни ёш, улғайиб, ривожланиб келаётган виждон эгаларидан узоқда тутиш керак.

Носир СУЮНОВ,
Тошкент тиббиёт-педиатрия институти талабаси

Болалар гаплашяпти:

— Кеча дадам чиройли қошиқ олиб келди. Унга дадамнинг исмлари ёзилган экан.

Иккинчи бола мақтанибди:

— Кеча менинг дадам ҳам анча кумуш қошиқ олиб келди. "Пресс меҳмонхонаси" деб ёзилган.

* * *

География ўқитувчиси хаёл суриб ўтирган ўқувчидан сўради:

— Қани айт-чи, Ер юзида энг иссиқ жой қаерда?

— Мен ўтирган печканинг олди, - деб жавоб берди ўқувчи.

* * *

Гердт дадасидан сўради:

— Дада, нима учун Ер айланади?

КУЛГУХОНА

Унга жавобан дадаси бақирди:

— Яна менинг коньягимни ичиб қўйдингми, зумраша!

* * *

Циркда кўзбойлоғич томошабинлар ичида ўтирган болани чақириб олиб деди:

— Ҳой бола, сен мени биринчи бор кўришингми?

— Ҳа, дада.

* * *

— Бир сутка неча соатдан иборат?

— Йигирма беш соатдан.

— Ие, нимага?

— Кеча ўзингиз кунлар бир соатга узайди деб айтдингиз-ку, жаноб ўқитувчи.

ОТ ЙИЛИДА ТУҒИЛГАНЛАР

Munajjim bashorati

От йили қувват рамзи бўлган Янг юлдузига киради. Ушбу йилда туғилганлар кучлидирлар ва ўз кучларига ишониб иш тутадилар. Улар тенгқурлари орасида ишни тез бажаришлари ва хушбичимликлари билан ажралиб турадилар. Уларнинг умрлари меҳнат ва доимий ҳаракатлар билан тўлиб-тошгандир.

Кундузи туғилганларнинг ҳаёти шовқин-тўполон каби тез ўтади ва аксинча, кечаси оламга келганларники секинлик билан ўтади.

От йили соҳиблари билан ҳарир мато ўртасида афсонавий алоқа мавжуд бўлиб, уларга ипак ва қимматбаҳо уст-бошлар жуда ҳам ярашади. Уларнинг бу улуғворликлари ўз ўртоқларига ёқади ва улар бошқаларни тасвирлашда тенги йўқ моҳирдирлар.

От билан Мол доимо қарама-қарши бўлгани учун ҳам бу икки юлдузнинг бир-бири билан қурган турмуши яхши бўлмайди. Аммо От-Қўй никоҳи бахтли ҳаёт кечиришади.

Ушбу мучалда туғилганлар донгдор, мўътабар, хушгабиат ва пулни тежаб-тергаб ишлатувчи кишилардир. Яхши кийинишади, оммавий йиғинларни ёқтиришади. Кўпинча, яхши натижаларга эришувчи ажойиб спортчи бўлиб етишишади. Гарчи баъзан кўп гапирсалар ҳам, ақлли ва сезгирдирлар. Ҳамма соҳада ишлари юришади, кўзга ташланиб туришади, бошқаларнинг фикрини дарров уқиб олишади. Табиатан мустақил феъл-атворга эга бўлиб, маслаҳатларга қулоқ солишмайди, хаёлларига нима келса, шуни қилишади. Кўпинча бу ҳол бошлаган ишларининг барбод бўлишига олиб боради. Ўзларига ишонишади, қадрларини билишади. Шу йилда туғилган эркаклар эса аёлларга бефарқ қарашмайди. Муҳаббат онларида ҳамма нарсани унутишади. Хизмат вазифаларини мустасно этганда, бошқа ҳамма соҳада бор куч ва эҳтиросларини ишга солишга ҳаракат қилишади. Бошқа жинсдаги кимса билан бўладиган муносабатларга суяклари йўқ, ишқ-муҳаббат йўлида ҳатто ҳамма нарсадан ҳам воз кечишлари мумкин. Шу боис бошлаб қўйган ишларида кўпинча муваффақиятсизликка учрашади, кимдаким ўзларининг бу заиф иллатларини енгиб, эҳтиросдан ақлни устун қўя олса, бахтли бўлиши ва муваффақиятга эришиши мумкин. Оила қургач, уйда доимо диққат марказида бўлишади. Ҳис-туйғулар соҳасида ҳам уларнинг ҳаёти жўшқиндир. Кексайган чоғларида тинч ва хотиржам кун кечиришади.

QUTLOV

Ҳурматли ҳамкасбимиз
Муяссар ИНОҒОМОВА!

Сизни, таваллуд топганингизга 50 йил, меҳнат фаолиятингизга 31 йил тўлиши муносабати билан муборакбод этамиз.

Ёш авлод тарбияси йўлидаги барча хайрли ишларингизга ривож тилаймиз. Умрингиз узоқ, толеингиз янада порлоқ бўлишини тилаб қоламиз.

Акмал Икромов туманидаги
229-мактаб жамоаси

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Қўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-39.
Тиражи 27539 Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3

Навбатчи муҳаррир:
Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи:
Камолиддин АЛИОХУНОВ.

«Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар, мактабгача ва мактабдан ташқари таълим янгиликлари бўлими —136-54-23, умумий ўрта таълим янгиликлари бўлими, касбга йўналтириш ва ўрта махсус таълим янгиликлари бўлими — 136-54-03, олий таълим янгиликлари бўлими, реклама ва тарғибот бўлими — 136-55-58.

Газета материаллари «Ma'rifat—Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти—20.00.
Топширилди — 20.00